Маънавий покланиш, сабр-қаноат, хайру саховат фазилатлари зиёда бўладиган моҳи Рамазонни миллий анъана ва қадриятларимизга мос, юксак даражада ўтказиш, юртимиз мусулмонларининг ибодат амалларини эмин-эркин адо этишлари учун барча шароитлар яратилди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

O‘zingni angla!

Hurriyat

Mustaqil gazeta

2024-yil
13-mart
chorshanba
№ 11 (1386)

Gazeta 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ★ www.uzhurriyat.uz ★ gazhurriyat@mail.ru ★ t.me/hurriyatuz ★ Hurriyat gazetasi

ВАТАН – АЗИЗ, ВАТАН – МУҚАДДАС

ҲАР ЛАҲЗАДА УЙҒОН, ҲАР ЛАҲЗАДА ЎС!

Куни кеча пойтахтимизнинг “Туркистон” санъат саройида “Vatan manzumasi” номли адабий-маърифий кеча бўлиб ўтди

Муҳташам сарой Янги Ўзбекистоннинг куч-қувват, она Ватанга улуғ муҳаббату садоқат, оламшумул орзу-интилишлар, эртанги порлоқ келажакка ишонч ва ирода билан ураётган навқирон юраклар садоларига тўлиб тошди гўё. Адабий-маърифий дастур Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилиб, унда тинчлик ва осойишталикни асраб-авайлаш, эл-юрт фаровонлиги учун сафарбарлик, ватанпарварлик, мардлик ва жасорат сингари эзгу фазилатлар юксак оҳангларда тараннум этилди. Юртбошимизнинг “Барчамиз энг аввало Ватан ҳимоячиси, тинчлик посбони бўлишимиз зарур!” деган чуқур маъноли сўзлари саҳнада намойиш этилган бадиий-мусиқий чиқишларнинг бош ғояси бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Маданият вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Кинематография агентлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамда истеъдодли ижодкорлар ҳамкорлигида тайёрланган дастурда истеъдодли актёрлар ва муаллифлар томонидан Ватан ва она халққа садоқат туйғуси улуғланган, тингловчиларнинг маънавий оламини юксалтирадиган таъсирчан шеърлар ўқилди; ўқилган шеър, ижро этилган қўшиқлар қалбларда акс-садо бераётгани зални тўлдириб ўтирган турли соҳа вакиллари, ҳарбийларнинг юз-кўзларида акс этиб турарди. Чунки ҳарки инсон учун Ватандан яхши ёр бўлмас. Ўзбекистон Қаҳрамони, шоир Эркин Воҳидов айтгандек:

Сен ўзинг бир гулсан,
Ватанинг – чаман,
Улғай, асл зотинг унутма сира.
Билки, қадр билмак аслида – Ватан,
Ватаннинг маъноси боқий хотира.

Экранда “Тилда, фикрда, ишда бирлик” ёзуви намоён бўлиб, “Гўзал Туркистон” қўшиғи мусиқаси садоси остида саҳнага ҳарбий гуруҳ командири бошчилигида Ватан мудофаасига янги чақирилган йигитлар вакиллари чиқиб келди.

2 - б.

ҲИДОЯТ

РАМАЗОН — ЭЗГУЛИК ВА МЕҲР-ОҚИБАТ ОЙИ

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев куни кеча Муборак Рамазон ойи муносабати билан Ўзбекистон халқига табрик йўллади. Унда “Инсон қадри – улуғ” деган олижаноб тамойилдан келиб чиққан ҳолда, мазкур фазилатли ойда халқимиз манфаатларини таъминлаш, ёш авлодни билим-маърифат, яхши хулқ-одоб соҳиблари этиб тарбиялаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жамиятимиз, эл-юртимиз ўртасида меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳитини янада мустаҳкамлаш сингари вазифалар алоҳида таъкидлангани бежиз эмас.

Дарҳақиқат, Рамазон эзгу амаллар, меҳр-мурувват, хайру саховат, покланиш ойидир. Саҳардан шомгача еб-ичишдан тийила олган одамда сабр-қаноат туйғуси ортади. Иродаси мустаҳкамланади. Иродали, сабрли инсонлар хотиржам бўлишади. Хотиржам кишилар тилларини ғийбатдан, беҳуда гап-сўзлардан тияди. Кўнгилларидан ҳасаду ғаразни, гина-кудуратни ҳайдайди. Одамларга эътиборли, раҳм-шафқатли бўлишга интилади. Шу сабабдан ҳам Рамазон ойи номига маърифат, мағфират, тинчлик, хотиржамлик, сабр ойи каби сифатлар қўшиб айтилади.

Ҳужжатул Ислом Имом Ғаззолий таърифича: **“Рўза тутиш жон учун закот, бадан учун риёзат, яхшилик учун даъват, гуноҳлардан сақланиш”,** демакдир.

2 - б.

ИЖОДИЙ САЁҲАТ

ЭСКИ КЎПРИКНИНГ СЎНГГИ ЙЎЛОВЧИЛАРИ

Дунёда энг бедор қалб эгаларидан бири бу, шубҳасиз, журналистлардир. Негаки, “жамият шифокорлари” деб аталмиш соҳа вакиллари қаерда эзгулик, янгилик бўлса, ўша ёққа қараб чопишади.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ташаббуси билан яқинда биз бир гуруҳ хоразмлик ва қорақалпоғистонлик оммавий ахборот воситалари ходимлари Нукус шаҳрида йиғилиб, мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларидан бири ҳисобланган Мўйноқ туманига ижодий саёҳат уюштирадиган бўлдик. Ундан олдин йўл тайёргарлиги дегандек, узоқ манзилга етиб бориш, қайси йўлни танлаш белгилаб олинди.

— Ҳар эҳтимолга қарши, Беруний томондан борганингиз маъқул. Амударёдаги (“тумани” демоқчи — **изоҳ бизники**) понтон кўприк ёпиқ. Бугун-эрта катта тантаналар билан янги кўприкнинг очилиши кутиляпти, — деди бизни кузатаётиб, уюшманинг вилоят бўлими раҳбари Ўткир Матқурбонов.

Йўлга тушдик. Бизни манзилга олиб боришга тайёрланган “Газель” ҳайдовчиси Озод ака Урганч шаҳри кўчалари бўйлаб ҳаракатланаётганимизда узоқ йўллар ҳадисини олган, шекилли, Амударё кўприги билан боғланди.

— Келаверинглар, очиқ, — деган товуш эшитилди гўшакдан.

— Мабодо боргунча ёпиқ бўлса-чи? — дедим (камина гуруҳ раҳбари-да) эътироз билдиргандек. — Акс ҳолда, яна Урганчга қайтиб, Беруний томондан борсак, 200 километрлик йўл устига яна 200 километр қўшилади-ку!

Озод ака кўприкдагиларга қайта қўнғироқ қилди.

— Янги кўприк қурувчилари раҳбариятидан сўрадик. Эски кўприкдан ўтишга халақит бўлмас экан.

Хуллас, ҳайдовчимиз бизни икки соатда Нукусга олиб боришга ишонтирди.

Гап-гурунг билан қизишиб, Урганч, Янгибозор, Гурлан туманларини орқада қолдириб, кўприкка етиб келгунимизча чошгоҳ маҳали бўлди. Хайрият, мушкулимиз осон кечди. Жайҳун дарё — жўшқин дарё кўприги бизни опичлагандек, нариги қирғоққа эсон-омон ўтказиб қўйди. Худди шуни кутгандек, “Еркин Қарақалпақстан” газетаси бош муҳаррири Қурбонбой Байниязов қўнғироқ қилиб қолди.

— Яқинлашяпсизларми? Сизларни Бердақ номидаги давлат университетида кутаяпмиз. Янги кўприкдан ўтдиларингми, ишқилиб?

— Ҳа, асосий магистраль йўлга чиқиб олдик. Бу ёғи яқин. Янги кўприк битган ҳисоб. Очилишга қизғин ҳозирлик кўрилаётган экан, — дедик.

Барибир талаба ёшлар учрашувига бироз кечикиб бордик. Уюшма раиси в.б. Холмурод Салимов, “Янги медиа таълим маркази” директори Беруний Алимов, уюшманинг Қорақалпоғистон бўлими раиси Кенгесбой Реймов маърузаларини тугатаётиб, университет ўқитувчилари ва ёшлар билан жўшқин баҳс-мунозаралар, фикр-мулоҳазалар алмашишга киришаётган эканлар. Каминага ҳам сўз беришди. Улар мендан янги кўприк битган-битмагани ҳақида илҳақ хабар кутишарди. Чунки талабалар орасида хоразмлик йигит-қизлар ҳам бор-да.

4 - б.

НУҚТАИ НАЗАР

Мамлакатимизда муҳандислик салоҳиятининг истиқболлари

Муҳандислар энг илғор технологиялар яратувчилари бўлиб, улар инновация, ижодкорлик ва ўзгариш орқали бизнинг хавфсизлигимиз, соғлиғимиз, фаровонлигимизни таъминлайди. Муҳандислар — янги технологияларни яратиш, тасаввур қилиш ва амалга ошириш билан шуғулланадиган мутахассислар. Муҳандислик жамият олдида турган муаммоларга жавоб топиш ва ўзгаришларни амалга оширишни тақозо этади.

Марсга учувчи космик кемани яратган ҳам ёки узоқ минтақага тоза сув тизимини қурганлар ҳам улар. Бугунги кунда соҳа бир неча йўналишларга бўлинган: механик-муҳандис, гидротехник-муҳандис, кон муҳандиси, ҳарбий-муҳандис, лойиҳаловчи-муҳандис, физик-муҳандис, технолог-муҳандис, қурувчи-муҳандис, ирригатор-муҳандис ва ҳоказо.

3 - б.

ТАРИХ САБОҚЛАРИ

БУХОРО ХАЛҚИНИНГ ҲАСРАТЛИ ЎТМИШИ

ёхуд амирликка буюрмаган хазина

Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖА

5 - б.

ҲАР ЛАҲЗАДА УЙҒОН, ҲАР ЛАҲЗАДА ЎС!

Куни кеча пойтахтимизнинг “Туркистон” санъат саройида “Vatan manzumasi” номли адабий-маърифий кеча бўлиб ўтди

1-б.

— Ўртоқ оддий аскарлар! Олий Бош Қўмондонимиз айтганларидек, “Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз ҳам албатта бўлади”, — ҳарбий сардорнинг шу кириш сўзи билан бошланиб, бир ярим соат давом этган дастурда бир содда ўзбек ўғлонларининг ҳарбий хизмат жараёнида жисмонан, ақлан, маънан камол топиши, замонавий фан-техника сирларини ўрганиб, баркамол ўғлон – Жалолиддин Мангуберди каби жасоратли, эл-юртга садоқатли, билимдон жангчилар, юрт посбонлари бўлиб етишишлари кўрсатиб берилган.

Эр йигитнинг кўнглида
эгарланган от ётар,
Қадам қўйса зулматга изларида
тонг отар.
Бутун миллат юкига елка тутар
эр йигит,
Эр йигитнинг номуси
миллатини уйғотар.

Аскарларнинг ҳаяжонли, ғоят масъулиятли ҳарбий қасамёд онлари, ҳарбий дала машғулотлари, тоғ шароитида машқ, парашютдан сакраш, сувда машғулотлар – машаққатли ва мураккаб, аммо қалбида йигитлик бурчига садоқат собит бўлган ўғлонлар шиддат билан мақсадга интиладилар. Дунё ҳамжамияти қаторида ўзининг муносиб қадди, қадри, ўрнини топиб бораётган Ўзбекистоннинг ҳудудларини, чегараларини зийраклик, тафаккур билан ҳимоя қилиш учун Ватан посбонлари ҳарбий билимларни, IT технологияларни, сунъий интеллект ва учувчисиз дронларни бошқаришни, хорижий тилларни ўрганмоқдалар. Бунинг учун Республика Мудофаа вазирлиги ва бошқа ҳарбий вазирлик ва идоралар тизимида яратилган шароитлар видеолавҳаларда намоён бўлди.

Тадбирда тарихда ўғлонлар билан бир сафда туриб элу юрт тинчлик-осойишталиги учун курашган Тўмарис, Зебо Ғаниева каби миллий қаҳрамон аёл-қизларга эҳтиромга йўғрилган шеърий сатрлар, қўшиқлар янгради. Бугун ҳам Миллий армиямиз сафида уларнинг юзлаб издошлари бўлган юзлаб шижоатли қизлар Ватанимиз мустақиллиги ва мамлакатимиз чегаралари дахлсизлигини асраш йўлида лочин йигитлар билан ёнма-ён хизмат қилмоқда.

Мустақил давлатимиз тарихи саҳифаларида ҳаммамиз доим ҳурмат, миннатдорчилик билан эслашимиз шарт бўлган шундай инсонлар борки, улар – мустақиллигимиз, элимиз тинчлигига рахна солмоқчи бўлган кимсалар билан бўлган тўқнашувларда, ўз хизмат бурчини ўтаётган пайтларида жон фидо этган чин қаҳрамонлар. Оталари жасорати билан фахрланиб, уларнинг йўлини давом эттириш учун ҳарбий соҳани танлаган йигитлар, қизлар саҳнага чиқиб, дил сўзларини баён этдилар.

Ўрганиш, чиниқиш, улғайиш, камолга етиш поғоналаридан ўтган аскарларни гуруҳ командири махсус жанговар бўлинмага бошлаб кираги:

— Ўртоқ аскарлар! Мана, ҳарбий хизматни шараф билан якунладингиз. Ҳақиқий аскар бўлдингиз! Энди тинч ҳаётга, қадрдон уйингизга қайтиб, истаган касбингизнинг бошини тутишингиз мумкин.

Шунда аскар йигитларнинг барчаси Ватан ҳимоячиси бўлишга қарор қилганликларини билдирдилар.

Сиз улуғ бир элнинг кўз қароғисиз,
Шу буюк миллатнинг суянч тоғисиз,
Сиз тиниқ чашмаси, сўлим боғисиз,
Асранг шу Ватаннинг тиниқ осмонин,
Сизга ишонгаймиз Ўзбекистонни...

Сара шеърларда, қўшиқларда она Ўзбекистон мадҳи, унга муҳаббат, садоқат туйғулари авж пардаларда янгради. Видеолавҳаларда жонажон диёримизнинг бетакрор манзаралари, тараққиёт одимлари, меҳри дарё, қалби офтоб одамлари намоён бўлди. Наздимизда, тадбир давомида саҳнадаги иштирокчилар билан залга йиғилган томошабинлар бир бутун қалбга айланиб кетгандек туюлди. Ҳа, “Ватан манзумаси”дан жой олган асарлар, уларнинг мақсад-ғоялари айни халқимиз дилидаги туйғулар, эътирофларга ҳамоҳанг кечди.

Ушбу адабий-маърифий тадбир намойиши пойтахтимизда бахор айёми— Наврўз арафасигача ўтказилиши кўзда тутилган.

М.МАМАТХОНОВА

РАМАЗОН — ЭЗГУЛИК ВА МЕҲР-ОҚИБАТ ОЙИ

1-б.

Исломнинг беш устунидан бири бўлмиш рўза туфайли ўзаро аҳиллик, тотувлик, бағрикенглик туйғулари жўш уради. Ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликка интилиш ортади.

Пайғамбаримиз *(соллаллоҳу алайҳи ва саллам)*: ***“Ким Рамазон рўзаси (фарз экани)ни тасдиқлаб, уни савоб умидида, Аллоҳ учун холис тутса, олдинги гуноҳлари кечирилади”,*** деганлар *(Имом Бухорий ривояти).*

Ҳадиси қудсийда эса бундай дейилади: Аллоҳ таоло: ***“Одам боласининг ҳамма иши ўзи учун, фақат рўза Мен учундир. Унинг савобини Ўзим билиб бераман”,*** деб марҳамат қилган *(Имом Байҳақий ривояти).*

Шу ўринда бир биродаримизнинг эътирофини келтириб ўтиш ўринли бўлса керак: *“Рўзанинг фойдаси жуда кўп экан. Буни ўз ҳаётимда ҳис қилдим. Ибодат, тақво, соғлик, ҳатто одамлар билан бўладиган муомалада ҳам жуда манфаатли экан. Илгари иш битириш учун деб, ёлғон-яшиқни гапиравердим. Ихлос билан рўза тутган одам ёлғон гапиришга ботинолмай қолар экан. Ёлғон гапирмай қўйдим. Иш битириш пайти келганда “рўза оғиз билан ёлғон гапираманми?” деб тилимни тийдим”.*

Муқаддас Қуръони каримнинг Бақара сураси 185-оятида очиқ-ойдин баён қилинади: ***“Рамазон ойи – одамлар учун ҳидоят (манбаи) ва тўғри йўл ҳамда ажрим этувчи ҳужжатлардан иборат Қуръон нозил қилинган ойдир. Бас, сизлардан ким бу ойда (ўз яшаш жойида) ҳозир бўлса, рўзасини тутсин. Кимки бемор ёки сафарда бўлса, (тута олмаган кунларининг) саноғи бошқа кунлардандир. Аллоҳ сизларга енгилликни истайди, оғирликни хоҳламайди. Бу – ҳисобни тўлдиришингиз ҳамда ҳидоятга бошлагани учун Аллоҳга такбир (ҳамду сано) айтишингиз ва шукр қилишингиз учундир”.***

Кўриниб турибдики, бу ойнинг ҳар дақиқаси ғанимат, инсонга бир фурсатдир.

Айтиш жоизки, Рамазонда садақа ва хайр-эҳсонларнинг савоби янада ортади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ойда ҳар доимгидан кўпроқ саховат қилганлар. Шу боисдан ҳам аҳли мусулмонлар закотини шу ойда адо этишга одатланишган. Яна бу ойда банда олий фазилатлардан бўлмиш сабрни ўрганади. Нафсининг ҳар хил истакларига сабр қилади. Шу боис бу ойни “сабр ойи” ҳам деб атайдилар. Ана шундай чиройли сабр-қаноат, улуғ савоблар, эзгу амаллар, бағрикенглик ойи барчамизга қутлуғ бўлсин!

Фарҳод ЖЎРАЕВ,
Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти ўқитувчиси.

ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ

Ўзбекистон Президенти мамлакатни ташқи дунёга очди

Парижда Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада чуқурлаштириш истиқболларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Мамлакатимиз элчихонасида “Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш истиқболларига янгича ёндашув” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда Франция Сенати, Европа ва ташқи ишлар вазирлиги, маданият ва жамоат доиралари вакиллари, шунингдек, Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори Акмал Саидов бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси иштирок этди.

Анжуман чоғида 2017 йилдан буён Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида сўз юритилди.

Ўзбекистон делегацияси аъзолари чиқишларида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида эришилаётган ютуқларга алоҳида тўхталиб ўтилди. Ўзбекистоннинг янгиланган Конституциясида инсон ҳуқуқлари тўлиқ акс этгани, илғор жаҳон тажрибасига тўла мос келиши таъкидланди. Шунингдек, фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири сифатида Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Ўзбекистоннинг гендер тенглигини таъминлаш тажрибаси бўйича батафсил тақдимот ўтказилди.

Франция сиёсий ва эксперт доиралари вакиллари ўз чиқишларида Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёти, кўп қиррали ўзбек-француз ҳамкорлигининг турли жиҳатларига тўхталдилар.

“Франция – Марказий Осиё” парламентлараро гуруҳи вице-президенти, сенатор Андре Ришар ўз маърузасида Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Президенти этиб сайланиши билан мамлакатда инсон ҳаётининг барча жабҳаларида, биринчи навбатда, иқтисодиётда кескин ўзгаришлар юз берганини таъкидлади.

“Ўз моҳиятига кўра, Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатни ташқи дунёга очди, республика иқтисодиётини фаол ривожлантирмоқда, таълим, соғлиқни сақлаш ва туризм соҳаларида катта ислоҳотларни амалга оширди. Ўзбекистонда 2023 йилда бўлиб ўтган Президент сайлови натижаларига кенг кўламли ислоҳотларни давом эттириш кафолати сифатида қараш керак. Шунингдек, халқаро майдонда давом этаётган геосиёсий ноаниқлик шароитида Ўзбекистон сиёсати алоҳида эътиборга лойиқ. Тошкент мустақил, бироқ айни пайтда мутаносиб ташқи сиёсат юритаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Давлатингиз етакчисининг бундай ёндашуви туфайли Марказий Осиёда мутлақо янги дўстлик ва ишонч муҳити шаклланди. Бу Ўзбекистон Президентининг дипломатик муваффақиятидир”, деди у.

Андре Ришар Ўзбекистон-Франция ҳамкорлигига тўхталар экан, икки давлат ўртасидаги муносабатлар ўзининг энг яхши ривожланиш даврини бошидан кечираётганини алоҳида таъкидлади.

Сорбонна университети профессори Жан-Антуан Дюпра ўз чиқишида, Ўзбекистон иқтисодиётининг либераллашуви фонида француз бизнесининг қизиқиши ортиб бораётганини қайд этди.

“Йирик француз компаниялари Ўзбекистонда лойиҳаларни амалга оширишга катта қизиқиш билдирмоқда. Хусусан, хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун барча шарт-шароит яратилган. Шу билан бирга, мамлакат қайта тикланадиган энергетикани ривожлантириш учун алоҳида салоҳиятга эга”, деди у.

Термиздаги Франция археология миссиясига раҳбарлик қилган **археолог Пер Лериче** олимларнинг саъй-ҳаракатлари бу ҳудуд тарихи ва маданиятини ташқи дунёга очишга қаратилганини таъкидлади.

“Тадқиқотлар натижасида биз топган қадимий осори атиқалар Термиз музейида намойиш этилди. Бугунги кунда ушбу музей Ўзбекистондаги машҳур музейлардан бирига айланди”, деди археолог.



Франциянинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Жан-Клод Ришард иштирокчиларга Франция-Ўзбекистон муносабатлари тарихи ҳақида маълумот берар экан, икки томонлама муносабатлардаги динамикликдан жуда мамнун эканлигини таъкидлади.

Давра суҳбати доирасида, шунингдек, Женева Дипломатик доираси президенти Ролан Блюмнинг “Ўзбекистон – Марказий Осиё дурдонаси” китобининг тақдимоти ҳам ўтказилди.

“Дунё” АА,
Париж шаҳри.

ҲУҚУҚ

Мамлакатимизнинг янги Конституцияси 54-моддасида: “Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсадидир”, деб белгиланган. Суд органлари ана шу мақсадни рўёбга чиқаришда асосий вазифани ўтайди ва бузилган ҳуқуқларни тиклашни кафолатлайди.

Бироқ юқоридаги нормани инсон ҳаёти ва ҳуқуқларидан бошқа юксак қадриятлар йўқ, деб тушуниш хато. Давлат суверенитети, унинг ҳудудий яхлитлиги, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлиги, миллий қадриятлар, халқнинг тили ва урф-одатлари ҳам юксак қадриятлар ҳисобланади.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДГА ҚАЧОН МУРОЖААТ ҚИЛИШ МУМКИН?

Конституциянинг 55-моддасида: “Ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади”, дейилган. Мазкур норма давлатимизнинг биринчи Конституциясида ҳам бор эди. Янги Конституциямизда эса: “Ҳар кимга бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи кафолатланади. Ҳар ким Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва халқаро шартномаларига мувофиқ, агар давлатнинг ҳуқуқий ҳимояга доир барча ички воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи халқаро органларга мурожаат этишга ҳақли”, деб белгиланди.

“Ваколатли, мустақил ҳамда холис суд”га бўлган ҳуқуқ тегишли процессуал қонунларда белгиланган судловга таллуқлилик ва тегишлилик, суд таркибига раддия бериш, юқори суд инстанциясига шикоят қилиш ҳуқуқлари орқали, шунингдек, судьяларнинг лавозимда бўлишининг кафолатлари орқали таъминланади. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи халқаро органларга мурожаат этиш ҳуқуқини таъминловчи БМТнинг халқаро инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича органлари бўлиб, ушбу ташкилотлар томонидан фуқаронинг ўз давлатининг ҳуқуқий ҳимояга доир барча ички воситаларидан фойдаланиб бўлиши шарт қилиб қўйилади. Бунда “ҳуқуқий ҳимояга доир барча ички воситалари” деганда айнан суд органлари, суднинг энг юқори инстанцияси томонидан ишнинг кўриб чиқилганлиги ва баҳо берилганлиги тушунилади.

Янги Конституциямизнинг 133-моддасига киритилган қуйидаги янги норма ҳам эътиборга молик: “Фуқаролар ва юридик шахслар, агар суд орқали ҳимоя қилишнинг бошқа барча воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, судда кўриб чиқилиши тугалланган муайян ишда суд томонидан ўзига нисбатан қўлланилган қонуннинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги шикоят билан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига мурожаат қилишга ҳақли”.

Бу норма сизга судда ҳуқуқингизни ҳимоя қилишда яна бир муҳим имконият беради. Эндиликда фуқаролар ва юридик шахслар суд орқали ҳимоя қилишнинг бошқа барча воситаларидан фойдаланиб бўлгач, бевосита Конституциявий судга унга нисбатан қўлланилган қонуннинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисида шикоят қилишга ҳақли. “Суд орқали ҳимоя қилишнинг бошқа барча воситаларидан фойдаланиб бўлиш” деганда энг юқори суд инстанцияси, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан ишнинг кўриб чиқилиши ва баҳо берилиши тушунилади. Маълумки, суд ҳуқуқ ва эркинликлар ҳимоячиси бўлароқ бу борада қонун номидан гапириш ваколатига эга. Бироқ судда қўлланилган қонун нормаси Конституцияга зид бўлган ҳолатда инсоннинг ҳуқуқини тиклаш воситаси бўлиб айнан юқоридаги норма хизмат қилиши лозим. Конституциявий суднинг асосий ваколатларидан бири қонунларнинг Конституцияга мувофиқлигини аниқлаш, Конституция ва қонунлар нормаларига шарҳ бериш ҳисобланади. Яъни, бу ҳолатда Конституциявий суд аниқ бир инсон ёки юридик шахснинг важларини инобатга олган ҳолда тегишли қонун нормасининг Конституцияга мувофиқлигига баҳо бериши лозим бўлади.

Муҳими шуки, давлатимизнинг янги Конституциясида суд орқали ҳуқуқни ҳимоя қилишга доир муҳим нормалар мустаҳкамланган.

Ойбек ҲАКИМОВ,
Тошкент туманлараро суди судьяси.

Мамлакатимизда муҳандислик салоҳиятининг истиқболлари

1-б.

Замонавий йўналишлардан бири — бу атроф-муҳит муҳандислигидир. Атроф-муҳит муҳандислиги — бу атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва яхшилаш учун илмий муҳандислик тамойилларини қўллашга қаратилган таълим соҳаси. Ушбу соҳа кадрлари энергия тежамкор дизайн, қайта тикланадиган энергия тизимлари ва яшил инфратузилмани ўз ичига олган барқарор муҳандислик илмини пухта эгаллаган бўлиши керак.

Халқаро энергетика агентлиги (IEA) маълумотларига кўра, 2030 йилга бориб, жаҳон энергетика балансининг 30 фоиздан ортиғи қайта тикланадиган энергия манбалари ҳисобига таъминланади. Бу мақсадни амалга ошириш учун саноатга киритилган сармоялар камида 400 миллиард АҚШ долларини ташкил этиши керак.

Яшил энергетика атмосферага чиқадиган зарарли чиқиндиларни камайтириш учун қайта тикланадиган манбалардан энергия ишлаб чиқариш ҳажмини босқичма-босқич ошириш зарур. Шунингдек, углеводород ёқилғисини қайта ишлаш натижасида атмосферага чиқадиган иссиқхона газлари 1,1 миллиард тоннага камайтирилишини таъминлаш зарур. Бу жуда муҳим, чунки у атмосфера ҳарорати кўтарилишининг олдини олишга ёрдам беради ва Ердаги иқлим ўзгаришига ижобий таъсир қилади. Бундан ташқари, углерод ёқилғиси истеъмолини камайтиришга ёрдам беради, уларнинг захиралари ҳозирги ишлаб чиқариш суръатларида фақат 50-60 йил давом этади ва энергия инқирозининг олдини олади. Бугунги кунда Хитой жаҳон энергетика соҳасида муқобил ресурсларга сармоя киритиш ҳажми бўйича етакчи. Ушбу саноат Ҳиндистон, Бразилия ва Мексикада фаол ривожланмоқда.

Ўзбекистон Республикасида қайта тикланадиган энергия ресурслари захиралари жуда катта. Бу, айниқса, қуёш энергиясига тегишли. У қайта тикланадиган энергия манбаларининг умумий техник салоҳиятининг камида 98 фоизини қоплаши мумкин. Ўзбекистон Республикаси ажойиб иқлим ва географик зонада жойлашган. Бу ерда қуёш энергиясидан саноат миқёсида фойдаланиш мумкин. Ўзбекистонда жами қуёш энергияси кўрсаткичлари углеводород ёқилғиларининг йиллик ишлаб чиқариш

ҳажмидан уч баравар кўпроқдир. Минтақавий шамол энергияси салоҳияти нисбатан кичик ва географик жиҳатдан чекланган. Энг тўғри ёндашув ҳар хил турдаги қайта тикланадиган энергия манбаларини, қуёш ва шамолни бирлаштиришдир. Фақат шамолдан фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан жуда хавфли. Республикамизда иссиқлик энергиясининг умумий захираси жуда катта. Бу қуёшнинг энергия салоҳиятидан бир неча баравар юқори. Техник салоҳияти учун оддий ва тежамкор технологиялар керак. Шунингдек, иқтисодий жиҳатдан фойдали қайта тикланадиган энергия манбаларига маиший чиқиндиларни қайта ишлаш киради. Бир тонна қаттиқ чиқиндидан тахминан 250 кубометр биологик газ (метан) олиш мумкин. Бу газдан электр энергияси ва иссиқлик манбаи сифатида фойдаланиш мумкин.

Макроиқтисодий бошқарувнинг оқилона йўлга қўйилиши, қулай савдо шартлари ва молия тизимининг чекланган глобал интеграцияси мамлакат иқтисодиётининг жаҳон молиявий инқирозига бардошини таъминлади. 2004 йилдан бошлаб эса ЯИМ ўсиши йилига ўртача 8 фоизни ташкил этди. Ушбу барқарор макроиқтисодий кўрсаткичлар миллий иқтисодиёт тармоқларини, хусусан, энергетика соҳасини нафақат қўллаб-қувватлаш, балки ривожлантиришга ҳам сармоя киритиш имконини берди. 2030 йилга келиб, қайта тикланадиган энергия манбалари бўйича 55 фоизга кўпроқ капитал харажатларни талаб қилади, аммо тизимни сақлаш харажатлари 50 фоизга кам бўлади.

Жумладан, “Ўзбекэнерго” ДАК томонидан амалга оширилган Ўзбекистон Республикасида қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича германиялик олимлар томонидан олиб борилган қўшма лойиҳа доирасида Ўзбекистоннинг шамол энергетикаси салоҳияти 520 ГВт дан ортиқ эканлиги ва 17 000 квадрат километр майдонда ўрнатилиши мумкинлиги аниқланган. Ушбу ҳудудларда йилига 1,07 млрд кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Бундан ташқари, республикамиздаги олимлар бошчилигидаги илмий изланишларда Ўзбекистонда шамол энергиясидан фойдаланиш бўйича истиқболли ҳудудлар аниқланган. Ушбу ҳудудларга Қорақалпоғистон Республикаси жанубидан — Навоий вилояти ва Бухоро вилоятининг Ғиждувон ва Пешку туманларигача бўлган майдонлар киради. Бухоро ва Навоий вилоятида электр энергияси истеъмолчилари танланган ҳудудларга яқин жойлашганини инобатга олсак, айнан ушбу вилоятларда шамол энергетикасидан фойдаланиш истиқболи ошади.

Бухоро вилоятида яшил энергетикани ривожлантириш учун Пешку ва Ғиждувон туманларида ҳар бирининг қиймати 650 миллион АҚШ долларига тенг бўлган шамол электр станцияларини лойиҳалаштириш ва қуриш ишлари бошланган. Мазкур лойиҳалар Президентимизнинг 2021 йил 23 февралдаги “Бухоро вилоятининг Пешку туманида қуввати 300 — 500 МВт бўлган шамол электр станциясини қуриш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда “Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманида қуввати 500 МВт бўлган шамол электр станциясини қуриш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларига мувофиқ Саудия Арабистони Қироллигининг “International Company for water and power projects” компанияси кўмагида Ўзбекистонда ташкил этилган “ACWA Power Bash Wind” МЧЖ сармояси асосида амалга оширилмоқда. Лойиҳани амалга ошириш учун Бухоро вилояти ҳокимининг “Бухоро вилоятида шамол электр станцияси ва ҳаво электр узатиш тармоқларининг таянч қурилмаларини қуриш учун ер участкалари ажратиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш учун барча соҳаларда “яшил иқтисодиёт” технологияларини фаол жорий этиш — 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси вазифалари доирасидаги мақсадлардан бири. Ушбу мақсадга эришиш бир вақтнинг ўзида “яшил иқтисодиёт” учун кадрлар тайёрлаш заруратини ҳам кўндаланг қўяди. Олий ўқув юртларида “яшил иқтисодиёт”га ўтиш учун энг зарур мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш, жумладан, биотехнологлар, муқобил (қуёш ва шамол) энергетика, шунингдек, сув ва ер ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича муҳандислар, иқлим хавфини баҳолаш, биоиқтисодиёт бўйича малакали кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш муҳим ҳисобланади. Шу билан бирга,

энергия тежамкор иншоотлар ва технологияларни, жумладан, сунъий интеллектни лойиҳалаш, фойдаланиш ва ишлаб чиқариш бўйича кадрларни замон ва жаҳон талаби даражасида тайёрлаш бугуннинг устувор мақсадидир.

Бухоро муҳандислик-технология институтида ҳам яшил энергетикани ривожлантириш мақсадида қуёш панеллари ўрнатиш бўйича Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан тасдиқланган дастурга асосан, 2023 йилда қуввати 315 кВт бўлган қуёш панелларини ўрнатиш режалаштирилган эди. Ҳозирги кунда 320 кВт қувватга эга қуёш панеллари институт том қисмининг 2020 квадрат метр майдонига ўрнатилган бўлиб, 60 фоизга яқин электр энергиясини тежаш имкониятини бермоқда. Шунингдек, “Ҳудудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти тармоқларига уланиб, белгиланган тартибда шартнома тузилган ҳамда ўрнатилган қуёш панеллари Божхона қўмитасининг “Яшил энергия” платформасига киритилган.

Бундан ташқари, институтда яшил энергетикани ривожлантириш мақсадида бир қатор илмий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, энергетик самарадорликни назорат қилиш ва бошқаришнинг ахборот-дастурий таъминоти ва қурилмалари, Бухоро вилоятининг иқлимий шароитларига мослаштирилган самарадор шамол энергетик қурилмасини яратиш, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиб, кичик қувватли истеъмолчиларнинг электр таъминоти ишончлилигини ошириш, паст босимли сув оқимларига мослаштирилган самарадор микро-гидроэлектр станциясини ишлаб чиқиш, бошқарилувчи электр юритмалар асосида синхрон моторларнинг энергия тежамкор иш режимлари тадқиқоти, донни қайта ишлаш корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш мавзуларида илмий ишлар ва ишланмалар яратилган.

Шу билан бирга, “Электр таъминоти тизимига рухсатсиз уланишларни, узилишлар ва изоляция кўрсаткичларини рақамли мониторинг қилиш қурилмаси”, “Smart Wind-Solar Hybrid Power System”, “Паст босимли сув оқимларига мослаштирилган самарадор вертикал ўқли микро-гидроэлектр станциясини яратиш”, “Сув сатҳи ўзгарувчан суғориш каналлари учун икки роторли микро-гидроэлектр станциясини яратиш”, “Smart solar panel cleaning machine” — энергия ўлчаш воситалари ва бошқариш тизимларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар олиб бориляпти. Корхона ва ташкилотларда энергетик текширувларни ўтказиш, маҳсулот бирлигига сарфланаётган энергия миқдорини меъёрлаш, қайта тикланувчи энергия манбаларини лойиҳалаш, ўрнатиш ва хизмат кўрсатиш, яшил энергетика соҳаси бўйича мутахассислар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш борасида илмий-амалий лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Садоқат СИДДИҚОВА,
Бухоро муҳандислик-технология институти ректори.

ҲАЙРАТ

АЭРОПОРТ ЭМАС, ҒАЛАБА РАМЗИ

Жаҳон статистика маълумотномаларида қайд этилганидек, дунёда 40 000 дан ортиқ аэропорт мавжуд. Улар одамларга янги дунёни очиш учун “орзулар дарвозаси” вазифасини ўтайди.

Хабарингиз бор, ўзбекистонлик бир гуруҳ медиа соҳа вакиллари Туркияда бўлиб қайтишганди. Улар сафида камина ҳам бор эди. Сир эмаски, бирор мамлакатга борган инсонни биринчи галда унинг аэропорти қарши олади. Турган гап, дастлабки таассуротлар айнан мана шу ердан бошланади. Биз ҳам “Туркия ҳаво йўллари” учоғидан тушганимиз ҳамон биринчи қадамни Истанбул халқаро аэропортига қўйдик. Айтишганича бор экан. Маҳобатли, замонавий, дунёнинг исталган бурчагидан келган одамларни учратиш мумкин. Гўёки турли миллат вакиллари бир нуқтага жамлангандек...

Бизга айтишларича, 2018 йилнинг декабрь ойида Истанбулда дунёдаги энг йирик аэропортнинг биринчи босқичи расмий очилиши бўлиб ўтган. Бу шаҳарнинг учинчи аэропорти, аммо бугунги кунда уни “Келажак ҳаво бандаргоҳи” дейиш мумкин.

Ҳозирча аэропортнинг фақат бир қисми ишламоқда, лекин у бинога кирган барча саёҳатчиларни ҳайратда қолдиради. Майдони 1 миллион 300 минг квадрат метр бўлиб, шундан 50 минг квадрат метрдан ортиғини дунёдаги энг йирик божсиз савдо дўконлари эгаллайди. Йўловчилар учун 500 та рўйхатга олиш ва 230 та паспорт назорати кабиналари мавжуд. Аэропортда аллақачон учта параллел учиш-қўниш йўлаги мавжуд бўлиб, яна 6 та учиш-қўниш йўлагини ишга тушириш режалаштирилган. 140 дан ортиқ реактив кўприклар йўловчиларни самолётлардан тушириш ва чиқариш учун ишлатилади, барча рейсларнинг 80 фоизи реактив кўприклар орқали амалга оширилади.

Аэропорт бир вақтнинг ўзида 500 га яқин самолётни қабул қила олади ва уларнинг ҳар бири учун тўхташ жойи мавжуд. Истанбул аэропорти қабул қилиши ва хизмат кўрсатиши мумкин бўлган йўловчиларнинг умумий сони йилига 200 миллиондан ортиқ! Ҳудуд ҳашаматли бизнес заллари билан банд. Меҳмонлар учун аэропортда 70 минг машинага мўлжалланган улкан тўхташ жойи қурилган. Энг сўнгги ҳаво бандаргоҳини бошқариш тизимлари, замонавий учиш-қўниш йўлаклари ва 8 та параллел такси йўллари Истанбул аэропортига бир вақтнинг ўзида 45 тагача парвоз ва қўнишларни амалга ошириш имконини беради.

Унинг очилиш маросими Туркия президенти Режеп Таййип Эрдоған иштирокида бўлиб ўтган. Шунингдек, унда турли мамлакатларнинг 50дан зиёд юқори мартабали вакиллари иштирок этишган. Улар орасида Албания президенти Илир Мета, Қатар амири Тамим бин Ҳамад Ол Соний, Қирғизистон президенти Соронбай Жээнбеков, Косово президенти Ҳошим Тачи, Шимолий Кипр Турк Республикаси президенти Мустафо Оқинжи, Македония президенти Георге Иванов, Молдова президенти Игорь Додон, Покистон президенти Ариф Алви, Сербия президенти Александр Вучич, Судан президенти Умар Ҳасан Аҳмад ал-Башир, Босния ва Герцеговина бош вазири Денис Звездич, Болгария бош вазири Бойко Борисов, Словения бош вазири ўринбосари ва инфратузилма вазири Аленка Братушек, Грузия ТИВ раҳбари Давид Залкалиани, Эрон ташқи ишлар вазири Муҳаммад Жавод Зариф, Ўзбекистондан маросимда бош вазир ўринбосари Очилбой Раматов иштирок этган.

Аэропорт ҳудудида президент Эрдоғаннинг қуйидаги сўзлари ёзилган плакатлар ўрнатилган: “Бу шунчаки аэропорт эмас, ғалаба рамзидир”.

Дунёнинг энг йирик аэропортини қуриш бўйича тендерда “Limak-Kolin-Cengiz-MaPa-Kalyon” компаниялари консорциуми 26,14 миллиард евролик таклиф билан ғалаба қозонган. Аэропорт қурилишининг биринчи босқичини амалга ошириш учун олти миллиард евро ажратилган. Аэропорт умумий майдони 76,5 миллион квадрат метрни ташкил этади. Аэропортнинг бошқа босқичлари йўловчи оқими ҳажмига қараб, 2023 йилгача ишга туширилиб келинган.

Ҳаво бандаргоҳи ҳозирча тўлиқ фойдаланишга топширилмаган бўлса-да, яқин келажакда аэропорт дунёнинг 250 та авиакомпаниясидан самолётларни қабул қилади, улар 350 дан ортиқ йўналишлар бўйича парвозни амалга оширади. Илғор технологиялар билан жиҳозланадиган аэропорт ҳудудида ер усти радарлари биринчи марта ишлатилмоқда. Аэропортдаги терминаллар ва автотураргоҳларда тўққиз мингта ақлли камера ўрнатилган. Шунингдек, аэропорт шахслар ва автоуловлар рақамларини аниқлаш бўйича ўта замонавий қурилмалар билан ҳам жиҳозланган.

Таъкидлаш жоизки, “Euromonitor International” ташкилотининг 2023 йилда энг кўп хорижлик меҳмонларни қабул қилиб олган шаҳарлар рўйхатида Истанбул 20,2 миллион киши билан биринчиликни банд этган.

Ислом АСИЛБЕКОВ.

ЭСКИ КЎПРИКНИНГ СЎНГГИ ЙЎЛОВЧИЛАРИ

1-6.

— Бутун халқимиз кутган кун яқин! Энди масофалар — бир қадам!

Ҳамма қарсак чалди. Бу кунни қандай интизорлик билан кутишаётгани уларнинг шундоққина юзу кўзларида ифодаланиб турарди.

— Ерталаб барвақт Мўйноққа қараб йўлга чиқамиз, — дейишди мезбонлар, — унгача шаҳри азимимизнинг диққатга сазовор жойларини, Бердақ ва И.Савицкий номидаги музейларни томоша қиламиз.

Кун жуда мазмунли ўтди. Меҳмонхонага жойлашиб, мароқли дам олдик.

Ҳамкасбларимиз бирга Мўйноққа боришимиз учун хорижда ишлаб чиқарилган яп-янги замонавий кичик автобус тайёрлаб қўйишган экан. Манзил — 300 километр! Қўнғирот тумани марказигача теп-текис асфальт йўл бизни автобусда аллалагандек олиб борди. Марказдан ўнгга бурилишимиз биланоқ, ҳаммага аён манзара кўз олдимизда намоён бўлди: чанг, бунинг устига, асфальти бироз кўчган, ўйдим-чуқур, иккита машина зўрға сиғадиган йўлга тушиб олдик.

— Бу ёғига чидаймиз-да энди, — дейишди мезбонлар ҳижолат бўлиб. — Ёзда асфальт қаттиқ иссиққа дош беролмайди, ёрилиб кетади.

— Бу ёғига энди қўшиқ айтиб кетамиз, — лутф қилди "Севимли" телеканалининг "Замон" дастурининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича мухбири Тамара Жуманиёзова.

— "Лазги"си биздан! — ҳазиллашди хоразмлик журналист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Қадамбой Салаев.

Худди шуни кутиб тургандек, ёш ҳайдовчимиз ёқимли тароналардан қўйиб юборди. Комилжон, Отажон — барисининг қўшиқлар тўплами бор экан, мириқиб эшитиб бораяпмиз. Теварак-атроф эса сайҳонлик, йўлнинг икки томонидаги узун-узун саксовуллар, даранги дарахтлар гўё бизга посбонлик қилаётгандек, маҳзун кузатишади.

— Шу яқин атрофда Бердақ ва Ажиниёз боболаримизнинг охират жойлари бор, — деди Қурбонбой ака бояги бошлаган суҳбатини давом эттириб, — афсуски, уларнинг қошига боролмаймиз. Йўл бундан беш баттар. Тез орада Бердақнинг 120 йиллик юбилейи нишонланади. Шунгача бу ерлар обод қилинади. Олдимизда эса Мўйноқнинг катта овули бор. Бу ердан 26 нафар фан номзоди, фан докторлари ва 2 нафар академик етишиб чиққанига ҳеч кимнинг ишонгиси келмайди. Илм-фан ўрганиш жой-макон танламас экан.

Қойил қолиш керак, аждодларимиз Чин-Мочиндан бўлса ҳам илм излашган, маърифат чироғини ёқишган. Беихтиёр жадидлар қиёфасидаги бу буюкларни Дантенинг юрак ҳароратидан ва тафтидан олинган барчага йўл кўрсатувчи маёққа ўхшатгимиз келди...

Автобусимиз бизнинг ҳайратимизни тобора ошираётган Мўйноқ тумани марказига яқинлашарди. Барчамиз ҳушёр тортиб, ён-атрофга қизиқиш билан боқа бошладик. Чиндан ҳам Мўйноқ "ойнаи жаҳон"да кўрганимиздан ортиқ даражада чиройли ва гўзал эди. Аэропорт, "Нуронийлар маскани", "Ёшлар уйи", кутубхона, музейлар, мактаб ва мактабгача таълим ташкилотлари, тикувчилик фабрикаси... буларнинг бари кўрган кўзни қувнатади.

— Хуш келибсизлар! — деди бизни кутиб олган туман ҳокими ўринбосари Мурод Жумабоев узоқдан кўриниб турган Орол бўйига бошларкан. — Туманимиздаги 12 та маҳалла ва овулларда 33 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Кўриб турганингиздек, олдинги Мўйноқ билан ҳозиргисининг ўртасида осмон билан ерча фарқ бор. Энди бизнинг ҳеч кимдан кам жойимиз йўқ. Масофа эмас, қўнгилларимиз, дилларимиз яқин бўлиб қолди. Самолётда Нукусга бир кўтарилиб, бир тушамиз. Атиги 10 дақиқа, холос! Пойтахтимиз Тошкент ҳам бир қадам. Илгари бундай имкониятларни хаёлда, тушда кўриш мумкин эди...

...Оролда турибмиз! Унинг бугунги аянчли аббор ҳолатини тасвирлашга тил ожиз. Бир пайтлар наҳр билан шовуллаб оққан денгиз туб-тубигача чўккан, фақат инсониятдан нажот сўраётгандек туюлади. Кемалар кезган сарҳад уларнинг ўзининг қабристонига айланган. Узоқ сафарга элтган ўн иккита кема яна қайта сузишни бошлаётгандек йўловчиларини кутарди.

Бу кўрган ачинарли манзаралар 40 йил олдинги воқеаларни эслатиб юборди. Ўшанда ҳозирги "Ёшлар овози" газетасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича ўз мухбири сифатида Мўйноқ балиқчилари ҳаётидан туркум мақолалар тайёрлаш учун келгандим. Ўзим борган балиқчилар қишлоғини, Мўйноқ консерва заводини ахтардим.

— Энди улар тарих саҳифаларидан жой олган, — дейишди, — мабодо ўша даврларни кўз олдингизда жонлантирмоқчи бўлсангиз, музейга киринг, ҳаммасини кўрсатиб беришади.

Во ажабо, мана қидираётган қаҳрамонларим: балиқчилар қишлоғи, консерва заводи деворлаги суратларда, ноёб экспонатларда акс эттирилган экан. Қароғларимдан ёш қуйилди. Қирқ йил олдинги манзил, учрашган одамлар худди эртаклардагидек қаршимда пайдо бўлди...

Сафаримиз якунида туман марказидаги "Дўстлик" боғига иккала дўст, қон-қардош, ери-ерига, дили-дилига туташ юртдош журналистлар манзарали дарахт кўчатлари ўтқазишди.

— Ҳудудий журналистларнинг қорақалпоқ диёридаги учрашувлари, Оролбўйига пресстур уюштирилиши янги мавзуларни ўйлаб топишда, ОАВда кенг ёритишда муҳим аҳамият касб этади, — деди Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси в.б. Холмурод Салимов, — ўйлаймизки, қалам аҳлининг ижоди янги Ўзбекистонимиз саҳифаларини янада бойитади.

...Яна йўлдамиз. Ажабки, ҳаммамизнинг руҳимиз тетик, мақсадимиз ҳосил бўлганидан мамнун эдик.

Ҳамкасбларимиз билан яна янги ижодий режаларимизни мўлжаллаб, самимий хайрлашдик. Амударё кўпригига етиб келганимизда вақт тун, аммо теварак-атроф чароғон, қурувчилар ғайрат билан ишлашарди.

— Ҳормангглар, чарчамаяпсизларми? — дедик "Газель" ойнасидан уларга.

— Раҳмат, биласизларми, сизлар эски кўприкнинг сўнгги йўловчилари бўлдингиз. Эртага янги кўприк очилади.

Бу хушхабарни эшитиб, ҳаммамиз қарсак чалиб юбордик.

Чиндан ҳам Юртбошимиз ташаббуси билан Амударё узра бунёд этилган кўприк Президентимиз иштирокида шу йилнинг 29 февраль куни очилиш маросимига ҳаммамиз шоҳид бўлдик.

Кўприкнинг бунёд этилиши Ўзбекистонимиз, айниқса, Қорақалпоғистон ва Хоразм вилояти халқи ҳаётида янги даврнинг бошланганидан дарак беради.

Шержон МАШАРИПОВ.

ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРДА

Қонуний асосларсиз "снос"лар мулкдорлар ҳуқуқининг бузилишига сабаб бўлади

Тошкент шаҳар ҳокимининг: "Тошкент шаҳрида кўп йиллар олдин қурилган икки қаватли ёки вақтинчалик қурилган хавфсизлик нуқтаи назаридан талабга жавоб бермайдиган, тахминан 500 гектардан ортиқ ҳудуддаги уй-жойлар реновация дастурига тушган", деган гапига "Миллий тикланиш" демократик партияси муносабат билдирди.

Муносабатда: "Реновация дастурларини ишлаб чиқиш учун, энг аввало, ушбу жараённи очиқ ва шаффоф амалга оширишнинг қонуний асослари, реновация тартиби ва қоидалари бўлиши лозим. Қолаверса, реновация дастури лойиҳаси реновацияга тушадиган уй-жой мулкдорларининг розилигига асосланиши ҳамда кенг жамоатчилик муҳокамаларидан ўтказилиши шарт", дейилган.

Шунингдек, партия: "Реновация бўйича қонун қабул қилинмасдан, бу ишлар амалга оширилса, афсуски, бир неча йиллар олдин мулкдорларнинг ҳуқуқларини бузиш ва мамлакатимиз имижига салбий таъсир кўрсатган "снос" деган ҳолатга ўхшаш жараёнлар бошланиб кетиши эҳтимолдан йироқ эмас", дея ўз хавотирини билдирган.

Шунингдек, Ҳукумат ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги, энг аввало, реновация тўғрисидаги қонунни ишлаб чиқиб, парламент қабул қилгандан кейингина реновация билан боғлиқ дастурларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблашини маълум қилган.

platforma.uz

ИНСОН ҚАДРИ

ЁРУҒ ҲАСРАТ



Яқинда устоз ижодкор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Икромжон Ўтбосаровнинг хотирасига бағишланган "Меҳрнома" китоби нашр этилди. Ушбу китобда унинг устозлари, ҳамкасблари, шогирдлари томонидан ёзилган хотиралар, дилсўзлари ҳамда муаллифнинг "Ватанда сафар қил" тўпламидан айрим боблар киритилган. Ушбу китоб тақдимотида таниқли журналист ижоди, инсоний фазилатлари ёдга олинди. Қуйида қисқартирилган тарзда газета ўқувчилари ҳукмига ҳавола этилаётган ёднома ҳам ана шу китобдан ўрин олган.

Кўпчиликнинг ёдида бўлса керак, "Халқ сўзи" газетасининг ташкил этилиши катта шов-шув бўлган эди. Газетанинг нишона сони кузда чоп этилди. Тўғриси, у кўплар кутган "бомба" бўлиб чиқмади, аксинча, анча босиқ, фақат воқеликка янгича назар солишга уриниш бор эди. Барибир ваҳималар босилмади, оҳорли шов-шувлар авж олди: "Янги бино қурилармиш. 400 та ўрин ажратилибди. Бош муҳаррир — Аҳмаджон Мухторов Москвада Гдлян ва Ивановнинг ёқасидан олибди...". Умуман, янги бир мужда бор эди ва кўпчилик буни кутарди.

Ниҳоят, бир неча вақтдан буён атрофи ўраб ташланган ва таъмири тугамаётган уч қаватли бино тез битказилиб, газетага берилди. Шу ҳам эътиборли воқеа эди. Энди ходимлар тўплана бошлади. Бошлиқ қамровни кенг олиб, бутун республикадан ўткир қаламкашларни излашга киришди (чамаси, шундай эди, мен иш бошлаганда туман газетасидан келганлар ҳам бор эди Ҳ.С.). Бир сўз билан айтганда, янги жамоа шакллана бошлади.

Гарчи мақолаларини ўқиган бўлсам-да, ўша вақт Икром акани танимас, ҳамкасбларининг чуқур ҳурмат билан уни тилга олишларидан, келишини кутаётганларидан ғойибона қизиқиб қолгандим: "Қандай омадли одам! Биз ялиниб ўтдик, унга столни банд қилиб туришибди-ю, тарозига солиб, тезроқ ўтавермайди!" Хуллас, кўп ўтмай, Икром ака "Қишлоқ ҳаёти"дан "Халқ сўзи"га ўтди. Маълум бўлишича, тепадан рухсат келмаётган — муҳаррир Неъмат Ёқубов "Бирга ишлаймиз" деб рўйхушлик бермай турган экан. Шу билан бир жамоадаги фаолиятимиз бошланди ва у олти йилга яқин давом этди. Ундан кейинги яқинлик эса абадийлик касб этди, дейиш мумкин.

Негаки, биз кечирган кунлар ҳаёт тегирмонининг юзасидаги, оғирнинг остидан, енгилнинг устидан қабилида "борди-келди"чилик эмас эди. Гарчи биров сезиб-сезмаса-да, биз мамлакат тақдирига дохил масалаларда фикр юритар эдик, "халқимиз", "республикамиз", "тарихимиз" деб ёзар эдик, бизнинг айтган, битган гапимиз қайсидир доираларда акс-садо берарди, биз билмаган, кўрмаган, танимаган одамлар фамилиямизни биларди, уларнинг бу фамилияларга шакллганган муносабатлари бор эди.

Биз ўзимиз билиб-билмай катта ҳаётда яшар эдик. Газета бизга ана шундай толени инъом этган эди ва йўлида айтилган эътирофлар ҳам ижодий изтироблар, изланиш ва қийинчиликлар гирдобида туғилган. Шундай бўладики, одамлар бирор даражада ёрдам беролмайди, бермайди ҳам, лекин ҳатто муваффақият қозонганингда ҳам битта илиқ гапини айтмайди. Ҳолбуки, қоғоз ва қалам билан ёлғиз қолиб, борингни бериб ёзган мақоланг ҳақидаги бир оғиз гап сени ё бор қилади, ё йўқ. Шундан куч оласан ёки у ёқ-бу ёғингни тўғрилаб, янги қадамга шайланасан. Бизнинг Икром ака, Йўлдош ака билан мулоқотларимиз шунчаки дастурхон устидаги ширингуфторликлар эмас, чинакамига ижодий мубоҳаса бўларди. Акаларда ишга баҳо берадиган, йўл кўрсатадиган салоҳият бор эди.

Уларнинг ҳаётий тажрибалари-чи?! Биродарларим қизғин ҳаётни бошидан кечирган, ҳарбий хизматда бўлган, теран оила муҳитида шахслари шакллганган кишилар эди. Касбда ҳам барча босқичларни ўтаган, етарлича муваффақиятга эришган, газетачиликнинг алифбосидан алгоритмигача ўзлаштирган зотлар эди. Уларнинг дилкаш, беғубор суҳбатлари чинакам мактаб эди. Шунинг учунми, вақт топилди дегунча самимий суҳбат қура олар, бу дийдорлашув ҳам кўнгил эҳтиёжи, ҳам тажриба алмашув, ҳам ёруғ режаларнинг туғилиши бўларди. Ҳозир бу удумлар сақланиб қолганми-йўқми, билмадим, аммо газетачининг ишдан кейинги ўзаро мулоқоти маиший рутбадаги тажриба майдони эди. Негаки, мухбирнинг фаолияти одамлар орасида ўтади, турли сажияли кишилар билан муносиб тарзда муомала қилишни билиш — катта сабоқ. Ана шу фазилат унсурлари ўзаро суҳбатларда туғиларди, чамаси.

* * *

Янги газетанинг оёққа туриб кетиши осон бўлмаган. Бу ўша кунларнинг безовталиклари, силкинишлари билан кўпроқ боғлиқ. Бош муҳаррир ўша вақтларда Собиқ Иттифоқ халқ депутати бўлгани сабаб кўпинча Москвадан туриб газета чиқишини назорат қиларди. Масъул котиб Турғун Назаров билан телефонда қайси саҳифада қандай материал кетаяпти, шрифти, ўлчами, сарлавҳаси, неча устунда қандай жойлаштирилгани, сарлавҳаси — ҳамма-ҳаммасини муҳокама қиларди. Аҳмаджон Мухторов газетани фарзандидек ардоқларди. Ортиқча меҳр ҳам яхши эмас экан, чамаси, раҳбарнинг бошига кўп савдолар тушди, биз ожизона кузатиб турдик, холос, ёрдам бера олмадик. Жамоа фитна ва иғвонинг қурбони бўлди. Бу гапларни эслашимга сабаб — бир жамоага бирлашган катта-кичик ҳаммамизнинг таржимаи ҳолимиз ўша бухронларда синовдан ўтди, кимнинг кимлиги билинди, келажагимиз шаклланди. Ҳар бир кишидан газетанинг янги йўлини қўллаб-қувватлаш, бу борада бош муҳаррир атрофида уюшиш, қолаверса, шахсий садоқат даражасида оқибат кўрсатиш талаб қилинган. Ана шундай шароитда Икром ака зиммасидаги вазифани маҳорат билан уддалаган экан.

Икром ака феъл-сажияси тобланган киши эди. Балки оила тарбияси, балки яхши жамоаларда ишлагани ёки ҳарбий хизматни астойдил ўтагани туфайлими, у кишида ўзига ва атрофидагиларга синчковлик билан разм солиб, одамларни тез ажрата олиш баробарида ўзига ҳам, яқинларига ҳам қатъий талабчанлик билан ёндашиш фазилати қарор топган эди. Бу ҳол ижтимоий ҳаётда — жамоа орасида ўзини тутишида аниқ кўринади. Батартиб кийинишми, бировга чиройли лутф билан муомала қилишми, сўзининг устидан чиқиш — субутми, бошқага зиён етказмаслик баробарида ўзганинг ҳаққига хиёнат қилмасликми, хуллас, бир комил инсонга қанча яхши фазилат лозим бўлса, ҳаммаси мужассам эди. Мен у киши билан иш юзасидан, сафарларда, маиший ҳаётда узоқ муддатларда бирга бўлиб, шундай хулосага келган эканман. Афсуски, бу қадр-қиммат инсон дунёни тарк этгандан кейин янада бор бўй-бастини кўрсатар экан... Бу мулоҳазалар балки ўша эски ҳақиқатни — одамни тириклигида қадрлаш кераклигини яна бир марта таъкидлаётгандекман.

Очиғи, ўттиз йилдан кўпроқ мулоқотлар давомида инсоннинг яхши-ёмон томонларини очиқлайдиган катта-кичик гаплар кўп ўтган. У лаҳзалар умр дафтарини безаб турибди. Ибратли томонларидан бири — ака вақтни қадрлашни биларди. Иш вақтида самарали ишларди, бўш вақтини эса жуда мароқли ташкил қиларди. Айниқса, меҳнат таътилига олдиндан жиддий ҳозирланиб, бир ойга яқин муддатни ё Ургутда, ё Кампирравот сув омборида, ё Бухоро кенгликларида ўтказарди. Яна бир томони — бу сафарларига эсини таниб қолган фарзандларидан бирини олиб борарди. Болаларнинг юрт танишига, одамлар билан муомала қилишни ўрганишига, характери тобланишига йўл очиб берарди.

* * *

Икром аканинг бўлгани шулар эмас. Бу инсоннинг дўстларга, умуман, одамларга оқибати ҳақида ўзим гувоҳ бўлган бир-икки воқеани айтмасам бўлмас. Зеро, у инсонлар ҳам чин дунёга кетишди, энди ҳеч нарсани ўзгартириб ҳам, қўшиб ҳам, унутиб ҳам бўлмайди.

Ака болалар газетасида ишлаб юрганида, хизмат сафари билан Қашқадарёга бориб қолади ва курсдоши Маҳмуд Сатторов ёдига тушиб, уни излашга тушади. Маҳмуд ака Китоб туманидаги Навоий номли мактабда ишлаётган, айни пайтда чангга ботиб, пахта даласида юрган бўлади. "РайОНО мудири чақиртираяпти" деганда ҳовлиқиб югуриб борсам, шляпа кийиб, пўрим бўлиб олган Икромжон..." — дея эслар эди ҳалиям ўша ҳаяжон билан раҳматли Маҳмуд ака. Икки хил вазиятдаги курсдош учрашади: бири оддий қишлоқ ўқитувчиси, иккинчиси ўқитувчи борганда қабул ҳам қилмайдиган мулозим хушомад қилиб турган республика газетасининг мухбири. Албатта, самимий гап-сўзлар бўлган ва Маҳмуд ака юрагида чўкиб ётган ғайрат ўт олиб, шубҳа ва иккиланишларни бартараф этиб, пойтахтга йўл олган. Шаҳарда илдиз отиб улгурган курсдош ҳар жабҳада ўртоғига кўмаклашган. Маҳмуд Сатторов пойтахтда ўрнини топиб, узоқ йиллар "Ўқитувчи" нашриётида ишлади, "Адолат" нашриётида директор бўлди. Фан номзоди сифатида китоблар чиқарди, муттасил мақолалар ёзиб турди. Ана шу иқболнинг очилишида Икром аканинг ҳам каттагина улуши бўлган.

Кейинроқ узоқ йиллар "Маънавият" нашриётини бошқарган, филология фанлари номзоди Суннатилла Аҳмедов билан ҳам шундай бўлган. "Суннатни Ғузорда ҳеч ким танимас экан, — деб эсларди Икром ака. — Қидириб топдим. Иши ўлда-жўлда. Бир чеккадаги тожик мактабида нари-бери ишлаб турган экан. "Нима бу юриш? Юр, кетдик..." дедим. Ўзида бор экан, йўлини топиб кетди".

Бундай яхшиликларни Икром ака тамасиз, йўлида амалга оширарди. Албатта, унинг қалби "стадион" эмас эди, ҳамма сиғиб кетавермас, танлаб, саралаб муносабат билдирарди. Муносабатида мунофиқлик, манфаатпарастлик йўқ эди. Шу туфайли ҳам ҳамма қадрларди. Ана шундай фазилатлари акада бир оҳанраболикни яратган, юзага чиқарган эди. Уни кўрган одам бепарво қолмас, ҳеч бўлмаганда узоқдан бош ирғаб саломлашарди ва алик ўрнида ўша самимий, майин табассумни қабул қиларди.

Аканинг файзли хонадонида дилкаш гурунглар кўп бўлган, улар шунчаки кўнгилхушлик гаплари ёки вақтни ухлатиш учун айтилган енгил-елпи латифалар билан ўтмаган, балки жиддий масалалар ҳам ўртага тушган. Битта эътиборли мисол. 1992 йил бўлса керак, аканинг туғилган куни 27 мартда тўпландик, гурунг ўша кунларда тилда кўп айланаётган тарих, буюк зотлар ҳақида кетди. Ака мени давра аҳлига таништириб, ўтмиш мавзусида яхши нарсалар ёзаётганим, ҳатто ёшлар юриши ўюштириб, 20 кун сафарда бўлганимни эслатди. Шунда шоир Султон Жаббор:

— Мана, Илҳом ҳам Амир Темур ҳайкалини яратишни орзу қилиб юрибди, — деб қолди.

Бундан давра аҳли анча ҳушёр тортди ва "Бўлмаса, икки ижодкор тўрдаги диванга ўтсин-да, ўзаро фикр алмашсин", деган таклиф бўлди. Шунда Илҳом Жабборовни биринчи марта кўрдим, суякдор, йирик одам экан. Секин суҳбатимиз қўр олди. Илҳом ака: "Кўп ҳайкалтарошлар ишлаган отга қойил эмасман. Отга ўхшамайди, образга сингмайди", деди. Мен Европада олтиндан ишланган ҳайкалнинг суратини кўрганимни, отнинг бели майишиб тургани, бу чавандозга ўзгача улуғворлик бағишлаганини айтдим.

* * *

...Дилкаш суҳбатларнинг поёнига етиб бўлмасди. Улар тугамаса, ҳаёт қадар давом этса, деган орзу ҳам бўлгандир. Айниқса, менинг қўшним, дилбар инсон Йўлдош Исмоилов — учаламиз қўшилиб қолсак, бу дийдорнинг баҳоси бўлмасди. Орада заррача кибр йўқ, хокисорлик; кайфиятга ёмон таъсир этадиган қиттай ҳаракат зоҳир бўлмайди ёки шундай ҳол бўлса ҳам эътиборга олинмайди. Гўё ким кимни кўпроқ ҳурмат қилади, яхши кўради ёки кимнинг шахсий маданияти юксак — худди шу тамойилларни бир-бирига меҳр билан намойиш қилишга ўхшарди бизларнинг гурунгларимиз. Яна қачон шундай уч киши дунёга келади, яна уларни тақдир дуч келтиради, улар бир жамоада ишлайди, бир-бирини тўлдириб, гўзаллаштириб, умргузаронлик қилади?! Ҳаётнинг такрорланмаслиги, даврларнинг бир-бирига ўхшамаслигини қаранг. Ёши катта акаларимнинг сабоқларини, менинг ҳар бир қадамимни қўллаб-қувватлаб, яна олдинга руҳлантириб, берган баҳоларини унутиб бўлмайди.

Ростдан, ҳамма нарсанинг чегараси бўлиши мумкин, ширинлик жонга тегиши, аччиқ ситамлар ҳам бартараф бўлиб тугаши мумкин, аммо меҳр-оқибатнинг, ўзаро ҳурматнинг чегараси ҳам, интиҳоси ҳам бўлмас экан. Қуёшнинг иккинчи номи меҳр, деб беҳуда айтишмас экан. Меҳр ҳам қуёшдек сахий, туганмас ва поёнсиз экан. Бугун мўътабар акаларим билан мулоқотларим, ўзаро борди-келдиларим сарҳисоби, хулосаси билан шундай тўхтамга келдим, Улардан Оллоҳ рози, жойлари жаннатда бўлсин. Бинобарин, ҳамма нарса ўткинчи дунёда боқийлик тақчил, жами ҳою ҳаваслар муваққат экан, соғинчлар ҳаприқтирганда беихтиёр ташқарига чиқиб кетадиган ўша залворли гап тилга келаверади: "Бир-биримизни қадрлаб яшайлик!" Бошқани қадрлаган одам қадр топар экан, ўзгани яхши кўрган одам ўзи ҳам яхши кўринар экан. Қалбларимиз меҳр-оқибатга лиммо-лим бўлсин.

Ҳаким САТТОРИЙ.

БУХОРО ХАЛҚИНИНГ

1-6.

Асрлар давомида Бухоро амирлиги ғазнасида тўпланган бойликлар миқдори ҳақида турли тахминлар мавжуд. Амир Олимхон хазинаси ҳақида Маҳмудхўжа Бехбудий шундай ёзган эди: **“Ҳозир Бухоро амири тасарруфи остида бўлган хазина шу даражада мўлки, ҳеч бир мамлакат хазинасида бул даражада эҳтиёт сақланган олтин ва кумуш пул, тилло ёмбилар бўлмаса керак. Бухоро амири саночиларида сақланаётган олтин ва кумуш пуллар бўйи эллик олчин, эни йигирма олчин, баландлиги саккиз олчин бўлган бир тоғдан иборатдур”.**

Бу рақамларни ҳозирги ўлчовга айлантирсак, амир хазинасининг узунлиги **35 метр, эни 14 метр ва баландлиги қарийб олти метрга тўғри келади!** Бу бойликларнинг асосий қисми 1920 йилдаги шўровийлар босқинидан кейин 18 вагонда улар томонидан ташиб кетилган.

Олтинлар миллатга ишласин экан...

Одатда, халқимизни, одамларимизни содда деймиз. Аммо яқин тарихимизда айрим ҳукмдорларнинг ҳам гўл ва омилардек фикрлаш доираси тор бўлганига гувоҳ бўлиш янада ачинарлидир.

Узоқ йиллар давомида йиғилган жуда катта миқдордаги олтин, кумуш, олмос ва мисли кўрилмаган даражадаги катта маблағлар илм-фан ва таълимга сарфланганида, натижа қандай бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас. Ўша пайтдаги ҳукмдорлар ва бойлар бор сармоясини таълим, замонавий технологиялар, янги иш жойларини яратиш, саноатлаштиришга сарфлаганларида борми, турган гапки, биз қолоқ бўлмасдик. Устига-устак, ҳар қандай қудратли бўлмасин, юртимизни ҳеч бир давлат босиб олишга журъат этолмасди!

Агар бу улкан маблағлар халқнинг фаровонлиги ва мамлакатдаги бунёдкорлик ишларига, ҳарбий салоҳиятини оширишга сарфланганида эди, 1 тилло 10 тилло бўлиб қайтар, Бухоро, Қўқон, Хива хонликлари жаҳонда маърифатли ва тараққий этганлар қаторида бўларди!

Ўтмишда хонликлар, амирликлар XIX асрдаги ҳарбий ва геосиёсий вазиятга тўғри баҳо беролмасликлари, халқаро масалаларда ожиз ва узоқни кўролмасликлари оқибатида не-не кулфатларни келтириб чиқарган. Айтишларича, инглизлар учоқ ва замбарак сотиб олишни таклиф қилишганида, Амир Олимхон: “Бизни ҳимоя қилодиғон Олампаноҳ Николай Оқпошшо ҳазрати олийлари бор”, — деб кулимсираб ва жеркиб жавоб берган экан. Оталари Саййид Абдулаҳадхон, боболари Музаффар, Насруллохонлар 26 миллион олтин рублдаги шахсий маблағларини Санкт-Петербургдаги банкларга фоизга қўйишган. Улар бу каби судхўрликдан бойиш ўрнига, маблағларини ўз юртида тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтиришганида, балки барчага ҳам ҳалол, ҳам умумманфаатли, ҳам баракали бўлармиди? (Афсуски, бу пулларнинг барчаси Русия банкларида қолиб кетган).

Сочи, Ялта ва Питерда ҳашаматли иморатлар барпо қилган Амир Олимхондек одам наҳотки сиёсий ғўр, кўз олдидан нарини кўролмайдиган ҳукмдор эди? Ёшлигида Бухородаги Мир Араб мадрасасида таҳсил олган, сўнгра Петербургдаги кадет мактабида ўқиган, бир нечта тилни билган Олимхондек киши наҳот нафақат Русия, балки бутун дунёда “социализм ва пролетариат шарпаси” кеза бошлаганини фаҳмламаган эди?

Халқ дарди ва ташвишларидан узоқ бўлган, янги ислоҳотлар, ўзгаришлар ва эркинликни ўз манфаати учун қабул қилолмаган Бухоро амири Сайид Олимхон подшоҳ Николай II ни дўстим деб, унга ишониб, жуда катта хато қилганлигини тарихий воқеалар аён қилиб турибди.

Шунинг учун бўлса керак, шўролар инқилобидан сўнг унинг қисмати ниҳоятда оғир кечди. Муборак Бухорои шарифни большевиклар қўлига шармандаларча топширган, халқини эса ёвга ташлаб қочган Амир ҳаёти Афғонистонда ўтди. Унинг тутдай тўкилган ҳарами ва қолган-қутган олтинлари ортилган карвони ҳозирги Қашқадарё, Сурхондарё, Тожикистон ҳудудидан ўтиб, Амударёни кечиб, афғон юртига бориб, у ерда бамисоли фақир бир ижарачи бўлиб яшади. Ўша пайтларда ундан анчагина замонавий ва илғор бўлган афғон шоҳи Омонуллахоннинг қош-қовоғига қараб, шарафсиз кун кечирди. Эркакка ва олий ҳукмдорга яраша маган тарзда йиғламсираб Буюк Британия қироличаси Викторияга мактублар ёзди, лекин номалари жавобсиз ва эътиборсиз қолди. Тўғри-да, ўз халқи ва Ватанини ташлаб қочган, уларни ёвнинг қонли қўлларига ташлаб кетган собиқ амир билан улар ҳатто гаплашишни ҳам эп кўришмаган.

Айтишларича, алалоқибат, Сайид Олимхон йиғлайверганидан 1943 йилда сўқир бўлиб, ҳатто сўнгги нафасида ҳам афғон заминида ўз юрти тарафга қараб жон берган. Кобулдаги мақбарада нима ёзув борлигини билганлар унинг ҳолатини тасаввур қилиши қийин эмас.

Афсуски, шундай оғир қисмат ўз она Ватанини ёвга ташлаб қочган Муҳаммад Хоразмшоҳ, Қўқон хони Худоёрхон, Хива хони Сайид Абдуллони ҳам четлаб ўтмаган. Магар улар қочмай, ота маконларида халқи билан ёвга қарши чиқиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлганларида, биз бугун уларни миллатимизнинг ҳақиқий қаҳрамонлари сифатида шарафлаган бўлар эдик.

...Яқинда Амир Сайид Олимхон томонидан битилган **“Бухоро халқининг ҳасрати тарихи”** деб номланган мўъжаз китобча қўлимга тушиб қолди. Китобча 1991 йили Тошкентдаги “Фан” нашриёти томонидан нашрдан чиққан. Унда Бухоронинг сўнгги амири Сайид Олимхон ўзининг ёшлик чоғларидан бошлаб, амирлик пайтлари, большевикларнинг Бухорони зўрлик билан босиб олиши ва Ватандан узоқда, мухожирлик йилларида кечирган қийинчиликларни ҳикоя қилади. Бу ҳикоялар ҳақиқатга нечоғлик мос эканлиги, босқинчиларга қарши курашган амаллари қанчалар холислигига қуйироқда фикр юритамиз. Лекин амирнинг ҳикояларидан шу нарса янада яққол кўринадики, унинг узоқни кўра билмаслиги, юрт ва Ватан тақдирини деярли “ўз қўли билан” ёв қўлига топширганлиги кундай равшан бўлади. Яна шу нарсага эътибор қаратиш керакки, Амир Олимхоннинг ёзишича, ўша даврда Бухоро давлатига қарашли ерлар 225 минг квадрат километр бўлиб, бу тахминан Италия майдони билан тенг эканлигини кўрсатади.

Келинг, яхшиси, Амир ўз қўли билан битган хотиралардан айрим иқтибосларни келтирайлик. Чунки уларни ўқиган ўқувчи аслида тарихий ҳақиқатлар қандай кечганини янада яққолроқ ҳис қилади:

“Мен 1329 – ҳижрий йили муҳаррам ойининг ўнинчи куни, милодийнинг 1911 йили менга мерос бўлиб қолган марҳум ва мағфур падарим салтанати тахтига ўтирдим. Бухоройи шарифнинг барча аҳолиси бу ожиз бандага хизмат қилмоққа қасамёд этдилар.”

“Большевикларга қарши қилган юришим ва Бухородан кўчишга ихтиёр этишимга доир барча сабаблар ҳикоясини мушоҳада юритувчиларнинг хотиралари учун буларни таҳрир ипига тиздим, токи бошимдан ўтган аҳволотимдан ўзгалар ҳам хабардор бўлсалар.

Вақт келиб Бухоройи шариф давлати бувам, раҳматлик Сайид Амир Музаффархон даври салтанатидан то раҳматлик Сайид Амир Абдулаҳадхон мағфуру марҳум падари бузрукворим замонига ва ундан то бу бандайи ожиз салтанати муддатигача мана шу Бухорода ўтди. Бу орада ва муаззам рус давлати салтанати барқарорлигининг олтмиш уч йиллиги давомида бу томонларда дўстлик ва ошначалик юз бериб, икки давлат орасида дўстлик барқарор ва бардавом бўлди. Шу сабабдан рус давлати ходимлари билан Бухоро давлати ходимлари ўртасида келишув ҳам бўлиб ўтган эди. Келишувларда аскарлар ва ҳарбий қуроллар Бухоро тарафидан қисқартирилиб, (уни қўриқлаш учун) ҳарбий асбоб-ускуналар ва аскарларни рус давлати ўз зиммасига олган бўлди. Бухорода эса мамлакатни ҳимоя қилиш учун ўн икки минг аскар бўлишига қарор қилинди; мамлакатни ҳимоя қилиш борасида яна аскар лозим бўлса, рус давлати Бухоро давлатини қўллашга тайёр турадиган бўлди. Шу билан император давлати замони мавжуд бўлган қадар Бухоро давлати аскарлар ва ҳарбий қуролларга ҳеч эҳтиёжи бўлмади, тинч ҳаёт ҳукм сурди, мен бўлсам мамлакат ободончилиги билан шуғулланишга интилардим. Бундан сўнг рус давлати инқилоби юз берди. Бу банда мамлакатни тартиб-интизом ва хавфсизлигига саъй-ҳаракат қилдим.”

Юқоридаги сўзлардан ҳам кўринадики, бутун давлатни ҳимоя қилишдек муҳим вазифани амир ўйсизларча рус ҳукумати ихтиёрига топширганини яширимайди. Аксинча, **“Бухоро давлати аскарлар ва ҳарбий қуролларга ҳеч эҳтиёжи бўлмади”** деб ёзади.

Айтинг, халқ бошидаги ҳукмдор одамнинг гапими шу?!

*“Бинобарин рус жамоати ичидан бир қанча беасл бўлмағур жоҳил шахслар пайдо бўлиб, улар ўзларининг ҳазрат жаноб олийлари – рус давлати улуғлари орасига рахна солдилар. Улар қарор қабул қилишиб, одамларни мажбур қилишди. Бу беасл бўлган шахслар бу қонун билан одамларни тўплаб, ниҳоят рус императорлик давлатини ўз салтанатидан ағдариб, ўз жамоасидан бўлган бир неча нафар одамларни каттакон қилиб қўйдилар ва ўз ҳукуматларини муваққат шўро мажлиси деб атаб, Керенский деган одамни (Керенский Александр Федорович (1881-1970) рус сиёсатчиси, оқловчи. 1917 йили вақтли ҳукумат раиси бўлган. **Ш.Қ.**) жумҳурият раиси мансабига кўтардилар.*

*Бу муваққат давлатлари бир неча ой давом этди. Мазкур Керенский ҳукумати тарафидан уларнинг Преображенский (Александр Григорьевич — 1850-1918 йй. Русия ҳарбий генералларидан бири. **Ш.Қ.**) деган вакилларидан бири мухтор вазир қилиниб, дорулфохира Бухоройи шарифга келадиган бўлди. Ниҳоят, у киши шаҳарга кириб келиб, бу бандайи ожиз билан учрашди. Бу киши келиб гапга қулоқ бериб, икки давлат ўртасида келишув бўлди, шунда Бухоро давлати мустақиллигини бу ожиз бандага берди ва келишувга имзо чекди. Сўнг у қайтиб кетди.”*

“Совет давлати томонидан Аксельрод деган киши Бухоро давлатига элчи қилиб тайин этилди. Афғонистон давлатига нисбатан дўстлик истеҳкомларини тузиб, Тошкентдан менга ўн битта ўқсиз тўп совға қилиб юборишибди. Большевикларнинг муомалаларининг қандай эканлигини шу ўқсиз тўпдан билиб олдим. Бу ожиз банда большевиклар ва уларнинг элчилари муомалаларини келишувга мувофиқ иш олиб бормаганликларини кўрганимдан сўнг хаёлимга бир фикр келди. Шу сабабдан мен аскар ва ҳарбий қуролларни тайёрлаш ишига киришдим. Икки йил ичида Бухоро ҳарбий аскарлар ва қурол-аслаҳалар тўплаб, қўшинларни урушга тайёр туриш даражасигача олиб келдим.”

*“Большевиклар бу орада кўп ҳийла-тадбир қўллашга, гўё дўстлик либосларини кийгандек бўлиб, аслида макру ҳийла тадбирларини ишлатиш йўлига, маккорлик йўлига ўтдилар. Гўё сулҳ тузиш учун Баранов (Баранов Пётр Иванович — 1892-1933 йй. Совет ҳарбий арбоби. Туркистон ҳамда бошқа жойларда инқилобий ҳарбий кенгаш аъзоси бўлган. **Ш.Қ.**) деган ташқи ишлар вазири бўлмиш бир кимсани фавқулодда элчи қилиб, Тошкентдан Бухорога юбордилар. Мухтор вакил бу бандайи ожиз ҳузурига келиб учрашди. Шу киши узр баён этиб, гаплашди, гапларимизни эшитиб, биз билан келишди. У киши илтимос қилиб айтдики, рус давлати эллик беш йилдан бери Бухоро давлати билан дўстлик ва ошначиликда бўлиб келди, то шу пайтгача бизнинг давлатимиз Бухоро давлатидан барча манфаатларни кўриб келмоқда, шу билан бирга икки давлат ўртасида бу орада ҳеч қандай бир-бирига зарар кўрадиган ишларни бажо келтиришмади. Истардимки, бугундан кейин ҳам бу икки давлат ўртасида дўстлик ва ошначилик гуллаб яшнаса ва бизга ҳам сизнинг давлатингиздан ёрдам ва манфаат тегса. Сизлардан бизларга ҳар қанча хизмат бўлса, бизнинг жумҳурият давлатимиз уни ўрнига қўйса. Лекин сизлардан бир илтимосимиз бор, ўз аскарларингизни бизнинг темир йўл станциясидан олсангиз, чунки биз уни ўзимизга истеҳком қилмоқчимиз. Бизнинг аскарларимиз ваҳший ва нодон одамлардир. Мабодо сизнинг аскарларингизни кўриб қолса, унга тўқнашиб қолиб, сиздек зоти шаҳона олдида бизни уялтириб қўйишади. Бу борада сиз нимаики истаб, унга хоҳиш билдирсангиз, ўша айтганингизни бажо келтирамиз.*

Шу тариқа у билан гаплашиб, гапларини эшитиб, келишув туздик, унга имзо ҳам чекдик. Шу билан у ўз жойига қайтиб кетди.

Большевиклар йўл тўсиб қўлга киритган бир қанча фуқароларимизни бўшатиб, йўловчиларни қўйиб юборишди.

Шу билан бу бандайи ожиз аскарларимни рельс тарафдан уч милча йўлдан олиб орқага чекиндик, у ерда бир истеҳком ҳам қурдик, сўнгра бу манзилга қирқ нафардан иборат аскарлардан қоровул қўйдирдим. Ҳар эҳтимол, бу нарса душман сиқиб келганда шояд фуқароларга мадад бўлиши мумкин эди. Аммо душманларимиз бу найранг билан бизни ғафлатда қолдириб, мисоли бир йўлтўсарлар каби, уруш эълон қилмасдан ҳижрийнинг 1339 йили (1920) зулҳижжа ойининг ўн бешида якшанба кечаси соат ўн иккида соқчилар ва қўриқчилар устига ҳужум қилиб келиб, ўша ерда темир йўл атрофига қўйилган барча қоровулларни, тахминан юз эллик нафар кишини банди қилдилар.”

Бундай шармандали “ўзини-ўзи” оқлаш ниятида ёзилган битиклардан янада ойдинроқ маълум бўладики, Николай II томонидан генерал-майор унвонини олган Амир Олимхон шунчаки қўғирчоқ ҳукмдор бўлган, холос. Ҳатто Бухорога большевиклар бостириб келаётганини эшитган куни халқни оёққа турғазиш, Ватанни ҳимоя қилиш ўрнига, хонликка тегишли армияни тарқатиб юбориш ҳақида фармон беради. У бундай калтабинлигини **“Мен халқимни шундай юз минглик армиянинг тагига ташлашни истамадим”** дейди. Энг қизиғи, Бухоро армиясининг маълум қисми ушбу фармонга бўйсунмайди. Биз курашамиз дейди ва мавжуд армиянинг тахминан йигирма фоиз қисми ёвга қарши туриб курашади. Бухоро эса бир неча кун давомида тўплардан, самолётлардан аёвсиз ўққа тутилади. Бухоро амирлигидаги вазият мураккаб нуқтага келиб қолганлигидан фойдаланган большевиклар Фрунзе бошчилигида Бухорони шафқатсиз ўққа тутадилар, илму урфон масканлари, мадраса ва мақбаралар, муҳташам иншоотлар вайронага айланади. Бухорои шариф, – дея шарафланган азиз ватан, унинг меҳнаткаш, маърифатли халқининг тақдири босқинчилар қўлига топширилди.

Шўролар Бухоронинг кулини кўкка совуриб, уни забт этгандан кейин Амир Олимхоннинг хазинасига тушадилар. У ердаги жуда кўп миқдордаги бойликларни, олтинларни ташиб кетадилар. Ижтимоий тармоқларда кейинги пайтда ёзилишига қарагандa, ўша Бухоро босқинидан кейин олиб кетилган айрим бойликларнинг миқдори санаб ўтилган. **1 миллион 148 минг 380 дона Бухоро тилласи, 4 миллион 365 минг 100 дона рус олтини, 17 тонна 728 килограмм Гамбург тилласи, 45 тонна 404 килограмм Гамбург кумуши, 22 тонна 160 килограмм рус кумуш тангалари, 62 миллион 834 минг 780 дона Бухоро тангаси ва яна тонна-тонна олтин кукунлари босқинчилар томонидан Бухоро хазинасидан олиб кетилади. Шахсан Амир Олимхон ва унинг оила аъзоларига тегишли бўлган бойликдан ташқари албатта бу. 3482 карат йирик бриллиантлар, 968 карат буюмларга тикилган яна бриллиантлар, 8617 карат қимматбаҳо тошлар ва ҳоказо мол-мулклар, яъни Бухоро халқининг ризқ-насибаси бўлган мислсиз бойликлар босқинчилар томонидан талон-торож қилинади.**

Шундай қилиб, Бухоро амирлигининг сўнгги ҳукмдори Амир Олимхоннинг яроқсиз бошқаруви туфайли Ватан қўлдан бой берилади. Аслида манғитлар сулоласига мансуб Сайид Олимхон 1880 йилда дунёга келган бўлиб, унинг отаси Амир Абдул Аҳадхон ўғли Сайид Олимхонга билим бериш мақсадида юқорида айтганимиздек, уни 13 ёшида Петербургдаги кадетлар мактабига ўқишга юборади. У узоқ йиллик таълим олиши керак бўлган мактабни 3 йилда тамомлаб, Бухорога қайтади. Шундан сўнг маълум муддат Кармана ҳокими бўлиб тайинланганини, 1911 йилдан эса отаси вафот этгандан сўнг Бухоро амири тахтини эгаллаганини ёзади.

Хўш, ўша пайтда Сайид Олимхоннинг атрофида кимлар бор эди? Ҳолбуки, у Россиянинг вассали сифатидаги Бухорони бошқараётган ва инон-ихтиёри тўлиқ ўзида бўлмагани боис, ҳатто молиявий маблағларни сарфлаш учун ҳам мустамлакачиларнинг Когондаги вакилидан рухсат сўраш керак бўлган. Афсус, унинг ёнида эса энг асосий маслаҳатчилар сифатида қадимчилар, яъни мамлакатни эски усулда бошқарадиган кимсалар Амир Олимхоннинг асосий суянчиқ, маслаҳатчилари бўлишган. Уларнинг бирдан-бир мақсадлари, шубҳасизки, нима бўлса ҳам Амирнинг олдида узоқроқ қолишни қўлардилар ва узоқ муддат бошқарувда ўтириб, Амирни янги ислоҳотлар қилиш ҳаракатларидан тўсиб турадиган кучлар эди. Иккинчиси эса Амирга мухолифат бўлган жадидлар, яъни замонавий фикрлайдиган ва янги усулдаги мактабларни очиб, мамлакат тараққиётини, илм-фанни ривожлантиришга ҳисса қўшадиган кишилар. Айтиш керакки, Амир Олимхон дастлаб жадидларнинг янги ислоҳотлар ўтказиш тўғрисидаги фикрларини қўллаб-қувватлагандек бўлади. Лекин кейин яна ўз билганидан қолмайди, жадидларни, халқпарвар инсонларни яқинига йўлатмайди.

Аянчли ҳақиқатлар шундаки, Амир Олимхон мамлакат тақдирини ўзига ҳарбий унвонлар берган Чор Россияси ихтиёрига топшириб қўяди. Энг даҳшатлиси, ҳатто “Ўзимиз ҳарбий тайёрласак, бу бизга зиён, чиқим” дейишгача боради. Ғафлатга ботган ҳукмдордан бошқа нарсани кутиб бўлмас эди...

ХОРИЖ

БАЙДЕН ХАМАСНИ ЙЎҚ ҚИЛИШГА РОЗИМИ?

Исроил бош вазири Биньямин Нетаньяху жорий йилнинг 11 март куни журналистларга берган интервьюсида АҚШ президенти Жо Байден билан ХАМАСни йўқ қилиш борасида келишиб олганини, айни пайтда бундан бошқа муқобил йўл йўқ эканини маълум қилди. Бу ҳақда “CNN” нашри хабар берди.

Исроил етакчисининг маълум қилишича, Исроил биринчи навбатда тинч аҳолининг Рафаҳдан хавфсиз чиқиб кетишини таъминлашга ҳаракат қилмоқда. ХАМАС аскарлари оддий аҳолидан ажратиб олинмас экан, гуруҳни енгиш қийин бўлади.

Ҳозирда Рафаҳ ҳудудида 1,5 миллион фаластинлик тўпланган. Исроил мудофаа кучлари сўнгги ҳафтада ҳудудга ҳужумларни кучайтирди. БМТ қурбонлар ортиши хавфидан огоҳлантирганига қарамай, ҳарбий ҳаракатлар тўхтамаган.

БИТКОИН НАРХИ РЕКОРД ДАРАЖАДА ОШИБ КЕТДИ

Машҳур криптовалюта биткоиннинг нархи 2024 йил 11 март куни 71 минг доллардан ошди. Маълумотлар “Binance” биржасида эълон қилинди.

Янгилик эълон қилинган пайтда биткоин 71 227 долларга тенг эди. 24 соат ичида ўсиш 2,62 фоизни ташкил этди. 10 март куни биткоин 69 692 долларга баҳоланган эди. Бошқа криптовалюталарнинг нархи ҳам ошган:

– Ethereum (ETH): 4 006,20 доллар, 24 соат ичида ўзгаришлар +1,64 фоиз.

– BNB (BNB): 528,40 доллар, 24 соат ичида ўзгаришлар +4,33 фоиз.

– Dogecoin (DOGE): 0,176665 доллар, 24 соат ичида ўзгаришлар: +0,24 фоиз.

2024 йилнинг 5 мартида биткоин тарихидаги энг юқори даражага етгани ҳақида хабар берилган эди. Ўшанда унинг “Binance” биржасидаги нархи 69 минг доллардан ошган.

Интернет маълумотлари асосида Ислом ЭГАМБЕРДИЕВ тайёрлади.

ҚУТЛОВ

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ “АГРОПИЛЛА” МЧЖ жамоаси

юртдошларимизни, жонажон она Ватанимизнинг барча мўмин-мусулмонларини қутлуғ ва муборак Рамазон ойининг кириб келиши муносабати билан самимий муборакбод этади.

Рамазон — меҳр-мурувват, хайру саховат ойи.

Ушбу шукуҳли кунларда эл-юртимизга қут-барака, ҳар бир хонадонга шоду хуррамлик тилайди.



БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни юртимизга саховат ва меҳр-муҳаббат фазилатларини, шукроналик ва инсонпарварлик туйғуларини янада сингдирадиган қутлуғ

МОҲИ РАМАЗОН ОЙИ

кириб келиши муносабати билан табриклайди.

Оила ва маҳаллаларда, таълим-тарбия ўчоқларида ўзаро меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш, ёш авлодни билим-маърифат ҳамда гўзал хулқ соҳиблари этиб камол топтириш, эҳтиёжманд инсонларга кўмак ва ёрдам кўрсатиш каби эзгу амалларни ихлос билан адо этишга интиладиган фазилатли Ватандошларимизга мустаҳкам соғлик, бахт-саодат тилайди.

Она Ватанимиз ҳамиша тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Муборак кунлар элдошларимизга қутлуғ, саодатли келсин!

НАВОИЙ ИБРАТИ

ДИЛЛАРНИ ПОКЛОВЧИ НУР

Алишер Навоий асарларини юз бор ўқисангиз, юз бор ҳам янги маъно келиб чиқаверади. Агар китобхоннинг саводи, салоҳияти, савияси ҳазрат асарларини тушуниш даражасида бўлса! Халқимизда минг насиҳатдан кўра бир ибрат афзал, деган гап бор. Мир Алишер бутун ижодий, илмий, амалий ва ҳаётий фаолиятида ҳар бир айтган сўзи, ҳар бир битигига ўзи қатъий амал қилган улкан қалб соҳиби эди. Унинг ғазалларида, рубоийларида, достонларида куйланган халқнинг орзу-умидлари, маънавият ва маърифат, тафаккур, дунёвий ва диний умумлашмалар асосида шунчалик юқори чўққига кўтарилгандики, асрлар ошган сари бу ғояларнинг янги-янги қирралари олмос янглиғ ярқираб бормоқда.

Назм мулкининг султони:

Эй Навоий, дардлиғ назмингни аҳли
дард билур,
Дардсиз доғи бўлур они ўқуғон аҳли дард, —

деганда, минг карра ҳақ эди. Навоий асрлар ўтган сари янгиланиб, янада теранлашиб, янада замонавийлашиб бораверади. Чунки, унинг ҳаётий фаолияти ижоди билан ҳамоҳанг. Шоир тириклик пайтидаёқ “Хамса”сида илгари сурган ўлмас ғояларни қисман ўзи ҳаётга татбиқ этишга муяссар бўлган эди. Шоирнинг Ҳиротдаги мол-мулки, ерлари, боғлари бисёр бўлган. Ана шундан тушган даромаднинг жуда катта қисмини хайр-саховатга, ободончиликка, фаровончиликка, етим-есирларнинг бошини силашга, олиму уламолар, фозилу комиллар, талабаларга беминнат ҳомийлик қилишга бағишлаган. Мир Алишер ҳаётлик вақтида нафақат шеърлари, балки ўзининг ажойиб фазилати асосида етти иқлим аҳлининг ҳурмат-эътиборини қозониб, қалбига кириб борганини шу улуғ кунда яна бир бор эсламоқ жоиз деб ўйладик.

Айтиш жоизки, улуғ шоир бу ердаги олим ва талабаларга ўз ҳисобидан нафақалар тайинлаган эди. Кейинчалик ана шу мадрасаларни тугатган талабалар ичидан ўнлаб етук олимлар, фозиллар етишиб чиққанди. Улуғ шоир ва мутафаккир қурдирган Ҳиротдаги Унсия работи қисқа вақт ичида маданият ва маърифат ўчоғига айланган эди. Унсияда улуғ шоир истиқомат қиларди. Шу билан биргаликда ўзининг севимли шогирдларини ҳам шу ерга чорлаганди. Жумладан, Хондамир, Мирхонд каби буюк тарихчилар Унсия работидаги кутубхонадан фойдаланиб, ҳазрат Навоийдан маслаҳат ва йўриқлар олган ҳолда ўзларининг ўлмас асарларини яратганлар. Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун жасоратлари, улар орқали илгари сурилган ғояларни шоир яшаган даврда амалга ошириш имкониятдан йироқ бўлса-да, буюк мутафаккир ҳаёт тарзи асосида илм-фан, маданият, юртга муҳаббат, адолат, садоқат ва олий инсонпарварлик ғоялари халқни зулматдан, риёдан олиб чиқишига қаттиқ ишонарди ва шу йўсинда амалий ҳаракат қиларди. Бунинг ёрқин бир мисоли сифатида Навоийнинг илми толибларга, фуқароларга кўрсатган кўмаги, юрт ободлиги учун чеккан заҳматларини айтиб ўтиш ўринлидир. Улкан ижодий ишлар, давлатни бошқаришдек масъулиятли вазифа зиммасида бўлганлигидан ташқари, у ана шундай хайрли юмушларга ҳам вақт топарди. Мир Алишер Хуросонда, Ҳиротда, Астрободда ва Тусда ўнлаб карвонсаройлар, кўприклар, ариқлар, ҳовузлар бунёд этганлиги тарихдан бизга маълум. Жумладан, Работи ишқ, Работи сангбаст ва Нишопурда Работи Деробод каби бир қатор карвонсаройлар бевосита шоирнинг саъй-ҳаракатлари билан бунёд этилган.

Турк назмида чу мен тортиб алам
Айладим ул мамлакатни яккалам, —

деганда, нафақат шоирнинг шеърият ва тафаккур борасидаги эришган ютуқлари, балки амалий жиҳатдан эл-юрт учун ўз даврида қилган ибратли ишларини ҳам назардан қочирмаслигимиз лозим. Шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Аҳли фазл ва аҳли ҳунарга Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаски, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай”, дея унинг бу борадаги юксак фазилатларига юқори баҳо берган эди. Ҳазрат Навоий маънавият, маърифат аҳлининг ҳурмат-эътиборини шоир сифатида ҳам, давлат арбоби сифатида ҳам, оддий фуқаро сифатида ҳам ҳамиша ўз ўрнига қўйиб келган. Ўз даврининг машҳур шоири Қосим Анвар ва Нишопурда улуғ олим ва шоир Фаридиддин Аттор қабри устига муҳташам сағана қурдирган. Машҳадда кўпгина чўлу саҳроларни, қишлоқларни обод этган, анҳорлар қаздириб, сув келтириб, боғ-роғлар барпо қилган. Хусусан, Астрободда қисқа вақт ичида жуда катта

ободончилик ишларини амалга оширганки, бундан оддий халқнинг маъмурлиги хуррам бўлган. Шу билан биргаликда Мир Алишер қаллоблиққа, риёкорликка, худбинликка, бадбинликка, разолатга сўнгги нафасигача тиш-тирноғи билан қарши бўлган ва имкон даражасида кураш олиб борган. Айниқса, айрим шоир, олимларнинг қаллоблигига чидай олмаган:

Илмни ким воситаи жоҳ этар,
Ўзини-ю халқни гумроҳ этар,
Олим агар жоҳ учун ўлса залил,
Илми анинг жаҳлига бўлгай далил.

Дарҳақиқат, оддий фуқаронинг хатоси, ғарази халқ учун, юрт учун ҳеч нарса эмас. Лекин олиму уламо илмни, ҳунарни шахсий манфаати, мансаб ва мартабаси учун ишлатса, уни мол-мулк тўплашга, ўткинчи, сохта шуҳрат қозонишга, хазинасини бойитиш йўлида воситага айлантирса, у ўзини ҳам, халқини ҳам, юртини ҳам инқирозга, таназзулга маҳкум этган бўлади. Бундай сохтакорликдан Мир Алишер нафрат ва ачиниш ила надомат чекади.

Хулоса ясаб айтганда, улуғ шоирнинг нафақат ижоди, балки шахсий ҳаёти ҳам бугунги зиёлиларимизга, олим ва уламоларимизга, раҳбар ва арбобларимизга дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Шоир, олим, арбоб ёки уламо сўзи, битиги, насиҳатлари билан эмас, балки ҳаётдаги қилаётган иши, ибрати билан ҳам эл-юрт олдида намуна бўлмоғи лозимлигини ҳазрат Навоий ўнлаб битикларида таъкидлаган ва бунга ўзи қатъий амал қилган. Шу ўринда даҳога бағишланган ушбу шеърни эътиборингизга ҳавола қилишни лозим топдим.

ҲАЗРАТ НАВОИЙ

Туркий чўққиларда вулқонлар ёнди,
Асрий орзуларга бу кўнгил қонди,
Мудроқ қавмларинг аста уйғонди,
Баъзи бир оғалар инидан тонди,
Бугун Сиз кераксиз, ҳазрат Навоий.

Гоҳ етиб, гоҳида етмаган нолам,
Бахтли авлодингиз тан олган олам,
Зўр достон битмоққа ожиздир болам,
Мовароуннаҳрни қилиб яккалам,
Бугун Сиз кераксиз, ҳазрат Навоий.

Туғлимиз, туғронмиз, шавкату шонмиз,
Туркий улуслармиз, асли бир жонмиз,
Ватан абадийдир, бизлар меҳмонмиз,
Шуни ҳам англамай баъзида қонмиз,
Бугун Сиз кераксиз, ҳазрат Навоий.

Ҳақ деган, ҳақ юрган йўлда толмади,
Илмда сохталик ҳамон ўлмади,
Сохта уламодан кўнгил тўлмади,
Китоб битмаган ҳеч авом қолмади,
Бугун Сиз кераксиз, ҳазрат Навоий.

Беш асрки ўзлигин англаган пир — Сиз,
Мантиқ Каъбасида меҳробу ҳур — Сиз,
Илоҳий қуш тилин тиллашган дур — Сиз,
Адашган дилларни покловчи нур — Сиз,
Бугун Сиз кераксиз, ҳазрат Навоий.

Сафар ОМОН.

КЎНГИЛГА САЙР

ЖАҲОНГАШТА ШОИР

Шойим БЎТАЕВ

Менимча, шеър ёзмаган одам шоирлар билан ижодий учрашувларга бормагани маъқул. Нега деганда, ўзи азалдан беш-ўн қорабош йиғилдими, бас, бундай даврада шоирнинг ошиғи олчи. Байроқни илиб кетади. То ҳолдан тойиб, тили гапга айланмай қолгунча, бесамар вақт ўтказасиз.

Шоир билан бу сафарги учрашувимиз ҳам бошқаларининг бири бўлди. Ҳаш-паш дегунча навбатни олиб, даврага тушди. Унинг бироз изтиробли, гоҳ юқорилаб, гоҳ пастлаб, мастона тебранувчи овози ўтирганларни ўз таъсирига ола бошлади.

Сафарларга ўчман болалигимдан,
Файзи, кўрки бўлак ҳар қишлоқнинг ҳам,
Улкан шаҳарлари, даштлари билан,
Гулшан ўлкаларга чорлайди олам.

Давраларда баҳрибайт айтиб, “шуаролар машваратидан хушъу” топиб, тонготар суҳбат қурган ота-боболаримизнинг фарзандлари бундай давраларда оройиш топмаслиги, кўнгил мулкига сафар айламаслиги, дунё “ғавғо”ларидан кечмаслиги мумкинми?

Ошиқ аҳли асли,
Айрилиқсиз замон йўқ.
Ёнганда ҳижрон фасли,
Ҳайқириқсиз забон йўқ.
Юрак ўртанар ғамдан,
Не кўрмадим оламда.
Ёрдан айрилмоқлик ҳам,
Бор экан пешонамда...

Қарсаклар. Шоирнинг чеҳраси ёришади. Қоғозчаларда саволлар келиб туша бошлайди. Уларни сараларкан, мен томонга ўқтин-ўқтин назар ташлаб қўяётганини пайқагандек бўламан. Ўтирганлар шоирни қисти-бастига олади.

“Севганмисиз? Ҳозир ҳам севасизми? Ким у?”

Ана шунақа саволлар.

Шоир гапни узоққа олиб қоча олмайди. Бу ёқда рўзғор ташвишлари, бола-чақа, уйга қайтиши керак. У ёқда, парда ортида пинҳон тутилиши лозим бўлган кўнгил сирлари. Жар солгиси келса-да, ундай қилолмайди.

У камина томон ўгирилади.

— Азизлар, мана, даврамизда атоқли ёзувчи, бир қанча қисса ва романлари билан...

Навбат каминаи камтаринга тегади.

Шунда, бу халқ бор экан, адабиётга оташин муҳаббат билан қараб тургувчи шу қора кўзлар бор экан, адабиёт чироғи ҳеч қачон сўнмаслигини, гуркираб ёнаверишини сезгандек бўламан. Гулдурос давраларга гулдурос шеърлар керак деб ўйлайман.

Гап аввалини бекорга ижодий сафардан бошлаганим йўқ. Одам сафарда билинади. Мен ҳам шоирни сафарлар давомида кашф этиб бордим. У илҳом олгувчи манбалар қаердалигининг, юрагидаги чолғулар қачон, қайси ҳолатларда жаранглаб кетишининг гувоҳи бўлдим.

Анча йиллар бурун, жазирама ёз чилласи аэропортда елпиниб ўтирсам, бировнинг шодон оҳангдаги таниш овози қулоғимга чалинди.

— Э-э, тақсири олам, э-э, тақсири олам!

Шу “тақсири олам”ни ҳеч ким ундай айта олмайди. Айтмайди ҳам. Унинг “тақсири олами”да таниш одамини кўрганидан қувониб кетганлик мужассамлашади. Бир маҳаллар файласуф шоир Мақсуд Шайхзода биров билан кўришиб сўраша бошлаганда даромадни узоқдан олмаслиги учун “Ўзларидан сўрасак”, деб гап бошлар экан. Шоирнинг “тақсири олами”да дилкаш суҳбатга самимий ундов ётганидан унинг Абдулла Орипов, Шукур Холмирзаев, Абдусаид Кўчимов сингари биз ҳузурига юрак ютиб бора олмайдиган устозлар ҳузурида ҳам бемалол, эмин-эркин юрганига ҳавас қилар эдик. “Тақсири олам” туфайли уни кўрмаёқ кимлигини билдим, ичим юришди. Узоқ замонлардан буён кўришмагандек қучоқлаша кетдик.

— Йўл бўлсин-а, йўл бўлсин!

— Истанбулга!

— О-о, қандай зўр! — шоир ўзи жаҳонгашта бўлганидан биздек хонанишинларнинг ҳам у ёқ-бу ёққа чиқиб туришини ёқлаб хитоб қилди. — Бирга эканмиз!

— Билла-билла! — мен унга ўзимиз ўсган Туркистон тизма тоғлари этакларига сочилган қишлоқларнинг шевасини эслатдим.

— Юрган дарё! — шоир бу борада ўзининг улуғ дарё эканини ўзи яхши билганидан ваъдани қуюқ қилди. — Сизни бир Мармара денгизида айлантираман, оламни, кенгликни кўрасиз. Тўлқинлар жўш уриб, мана бу тўққиз қаватли бинодай устингизда ҳайқириб турганда, сувнинг ҳайбатини кўрасиз.

— Бу иссиқда сувдан гапириб, чанқовниям сувсиз қондирмоқчи бўласиз.

У чаққон туриб бориб сув келтиради.

— Денгиз бошқача! — у кулиб ҳам қўяди. — Бизнинг ҳам ўз денгизларимиз бор!

— Ғарқ қилмайдими? — сузишни қотиролмаганимдан ҳозирданоқ чўкиб кетадигандек унинг кифтидан тутаман.

— А, йўқ! — шоир қулочини кенг ёзади. — Ўзи қирғоққа олиб чиқиб ташлайди.

— Ўлик ҳолдами?

— Бир лофчи бор экан, — у гапни буради. — “Отам Ўрта Ер денгизини сузиб ўтган” деб мақтаниб қолибди. Унга иккинчиси: “Ўлик денгизни менинг отам ўлдирган”, дермиш.

— Ўзим айтган ҳангомани ўзимга қайтариб айтяпсиз.

— Э, сиздан эшитувдимми?

— Бунақа гапларни бошқа кимдан ҳам эшитардингиз?

— Ҳа, тўғри.

Шу орада самолётга чиқиш фурсати етгани ҳақида эълон қилишди. Гув этиб ўринларидан қўзғалган йўловчилар қаторида биз ҳам саномараста аэропорт хизматчиси етовида самолёт томон юрдик.

Кўп ўтмай, самолёт ҳаволади. Хушбичим стакандаги анвойи ичимликдан ҳўплай-ҳўплай, ястаниб ўтирарканмиз, ахён-ахёнда иллюминатордан ташқарига мўралардик.

Пастда булутлар...

Самода одамни ғалати кўтаринки туйғулар чулғаб олади. Қуйига қараб, ўзингизни ҳавода муаллақ қолдириб, аста-секин уча бошлайсиз.

Суҳбатни давом эттириш учун шоирга юзланаман:

— Кўп жойларда бўлгансиз.

— Ҳа.

— Европани забт этгансиз.

— Ҳа.

— Афғонистонда Саланг довонидан ўтаётганда рангингиз оқариб, калима ҳам қайтаргансиз.

— Э, буни қаёқдан биласиз?

— Эшитганман.

— Ҳамид ака сотибдилар-да!

— Сиздан Америка ҳам қолмаган.

— Америка зўр-да, ака!

— Нимаси зўр?

— Дунё тараққиётининг асоси нимада? — саволимга савол билан жавоб қайтаради у.

Билмаслигимни тан олиб кифт қисаман.

— Китобда! — деди у. — Телевизорнинг, компьютернинг, радионинг ёки мана шу самолётнинг ҳам келиб чиқиш манбаи — кутубхона. Буни Америкада яхши билишади. Оммавий кутубхоналар шу қадар кўпки, бизнинг тижорат дўконларимизга ўхшаб саноғи йўқ. Бир куни кутубхонада нонушта қилиб, китоб титкилаб ўтирсам, узун қора лимузиндан биттаси тушиб келди. Устида футболка, оёғида кета. Хуллас, бизнинг қоровуллар унинг олдида пўрим. Келиб китоб олди. Уч соат ўтирди. Берилиб ўқиди. Битта бутерброд билан бир стакан оддий сув ичди, кетди. Бояги лимузин қаердандир пайдо бўлди. Бир ўзи минди. Узун мошин қўзғалди. Кутубхоначидан: “Ким бу?” деб сўрасам, миллиардер, ўттизта супермаркетнинг эгаси экан! Ё овло!

— Бу билан нима демоқчисиз?

— Ким ва қандай одам бўлишимиздан қатъи назар китоб ўқишимиз шарт демоқчиман. Бизда олий ўқув юртини битқазгандан кейин қўлига китоб олмайдиган зиёлилар бор. Мабодо, ўшалар қўлига китоб олиб қолса, “Ҳа, чаласи қолувдими?” дея кесатамиз.

— Эсингиздами, водий бўйлаб сафаримизда Шўрқўрғон қишлоғида Тўхтахон Раҳимова деган нафақахўр аёлникига борувдик?

— Ҳа, қаранг, жимитдеккина маблағига шахсий кутубхона очиб, қишлоқдошларига ҳадя қилганининг гувоҳи бўлгандик. Афсуски, шу нафақахўр аёл қилган ишни катта-катта бойларимиз қилмайди ёки қилишни истамайди. Лекин кутубхона бою камбағал, ёшу қари, олиму оми — ҳамма бош эгиши шарт бўлган саждагоҳ. Тараққиётнинг булоғи — кутубхона. Инсоният қандай яхши нарсага эришган бўлса, авваламбор, кутубхонадан миннатдор бўлиши керак.

Шунақа гоҳ енгил, гоҳ жиддий суҳбатлардан сўнг манзилга етиб бордик. Шоир илгари бу ерларга кўп келгани боис йўлбошловчилик вазифасини ўз зиммасига олди. Икки ҳафта мобайнида биз бу мамлакатнинг кўп жойларида бўлдик, ижодкор дўстлар орттирдик, улар биз олиб борган Тошкентнинг ўн беш кунда ҳам қотмайдиган, офтобдай кўзни қувонтирувчи патир нонларини кўз-пешоналарига суртиб, “ота юртимиздан мозор босиб келган” дейишганда, кўнглимиз ифтихор туйғуси билан қалқиб кетди.

Мен ўшанда ҳамроҳимнинг одамшинавандалигидан ташқари, миллий адабиётимиз, унинг ўзак масалалари ҳақида бағрикенглик билан қизғин ва самимий фикр юритишига гувоҳ бўлдим.

— Адабиёт ҳам ўзи бир олам, ўзи бир Ватан, — дейди у газета ўқиб бераётгандек. — Унинг ҳам ўз подшоҳи, ўз вазирлари, хизматкорлари, қўриқчилари-ю маликалари бор. Бу Ватанга жонни бериб хизмат қилмасак, худди ёт унсурдек четга улоқтириб юборади. Иқтидорсиз одам меҳнат қилаверса, адабиёт оламини қоғоз босиб кетади. Бу оламда шоир шаҳзода бўлиб юриши керак.

— Э, яшанг! — дейман хўрсиниб. — Софокл айтган: “Мен одамлар қандай бўлиши кераклигини кўрсатаман”, деб.

— Ҳамма нарса ниятдан бошланади, — бўш келмайди у.

Анқарада биз Афғонистондан борган пуштун, тожик ва ўзбек журналистлари билан танишдик. Шоир уларга саволлар берар, қўшни мамлакат аҳволи ҳақида, уларниям бошига офтоб кулар чоғлар келиши борасида куюниб сўзларди.

— Қаники сизлар ҳам буғдой экиб, бемалол деҳқончилик билан шуғуллансангизлар экан, — деди бир куни одатига кўра орзу қилаётгандек.

Улар шоирнинг бу гапига кулиб қўйишди.

— Сиз айтган деҳқончиликдан фойда йўқ, — деди улардан бири.

— Нега?

— Ўзини ўзи кўтармайди.

Шоир фаҳмламагандек кифт қисиб қўйди.

Уч кундан сўнг қулоғим остига шивирлади.

— Қурғур кўкнор дегани жуда чиройли гуллар экан, — деди у етилиб келаётган шеърининг сатрларини ўқиб бераётгандек. — Пушти, оқ, кўк, зангори, яшил, зангор.

— Буни сиз қаёқдан биласиз?

— Шунақа дейишяпти.

Индамай қўя қолдим.

Саргузаштларга бой сафар қариди. Қайтиб келгач, ўз иш-юмушимиз билан бўлиб анча фурсат кўришмадик.

Бир куни шоир телефон қилиб қолди. Салом-аликдан сўнг:

— Тақсири олам, кўринмайсиз-ку! — деди кўринмаётганимдан озор чеккандек.

— Юрибмиз... Фақир киши панада...

— Биз билан у ёқ-бу ёқларга бормай қўйдингиз-ку!

— Майда-чуйдага ўралашиб, бекорчиликдан қўл бўшамаяпти.

— Туркия эсингиздами? Ўшанда, сафар гашти бошқача бўларкан, энди тез-тез чиқиб турганим бўлсин, дегандингиз. Ё унутиб юбордингизми?

— А, йўғ-а.

— Ўзимизнинг вилоятлар ҳам Туркиядан қолишмайди.

— Тўғри.

— Ҳозир мамлакат бўйича китоб кўргазмалари бўляпти. Водийдаги вилоятларда ҳам шунақа тадбирлар бор. Сизни ёзиб қўйдим. Бирга борамиз.

— Йўғ-э, ишлар бор эди-ку.

— Кўйсангиз-чи!

— Хўп.

Эртаси куни тонг саҳарда йўлга тушдик. Мудроқ кўзларим тўла очилишга улгурмай қулоғим остида бугунги адабиёт, шеърият ҳақида янги ваъз бошланди.

— Ёзувчининг истеъдодсиз бўлишга ҳаққи йўқ, — ёғий қорасини кўриб қолгандек шоир шиддаткорона хитоб қиларди. — Кечирмайдиганлар ҳамиша топилади. Аҳмоқларгина ўз истеъдодсизлигидан азобланмаслиги мумкин.

Суҳбатимиз шу маромда давом этиб, Қамчиқ довонига етганимизни ҳам пайқамай қолибмиз.

Аввал Андижонда, кейин Фарғонада бўлдик. Дунёда байрамлар кўплиги, лекин китоб байрамлари бизнинг юртимизда ўтказилиши маънавиятга юксак эътиборнинг намунаси эканлиги тадбирларда иштирок этганлар томонидан бирдек эътироф этилди.

Бир кунда иккита-учта ижодий учрашув ўтказар, китобхонлар, шеърият ихлосмандлари шоирни олқишлар билан кутиб олар, давраларидан қўйиб юборгиси келмасди.

— Қаранг-а! — шоир завқли табассум қилди. — Бир-икки кунда шунча савобли ишларни қилиш мумкин экан-да? Шунча жойда шеър ўқиб чарчаб қоламанми деб ўйлагандим, юклатилган юкка қараб, Худо шунча куч-ғайрат, шижоат бераверар экан-да?!

— Савобли ишларимиз ҳали кўп, — дедим мен. — шеър сандиғингизнинг каттасини энди очасиз. Ҳозир Фарғона давлат университети филология факультетига борамиз. Ҳунарингизни кўрсатасиз!

— Ие, яна учрашувми?

— Ҳа, томоқни ҳўлланг, томоқни.

Кун пешиндан оққанда университетга кириб бордик. Талабалар, қўллари тўла гул, икки томонга саф тортиб, қатор туришибди. Шоир олдинда, таъзимда. Нуқул илжаяди. Ҳаш-паш дегунча шоирни даврада кўрамиз.

Диққат, диққат! Солинг қулоқ, осинг қулоқ!
Соғлиқ сақлаш вазирлиги этар огоҳ!
Ишқ вируси шаҳарда кенг тарқалмоқда,
Бу касаллик қўшиқларда таралмоқда.
Ифор сочиб, ниш урмоқда куртакларда.
Найза бўлиб, санчилмоқда юракларга...

Кетди. Талабалар гувранади. Чапак чалади. “Яна!” дея талаб қилади. Айниқса, “фалон қўшиқчи айтган фалон шеърингизни айтиб беринг”, дейдиганлар кўп. Шоир эринмайди, “мана шу охиргиси” дейди-да, яна давом этади.

Тобора даврамиз бўлаётир кенг,
Энди инсоният нотиғидирман.
Чунки мен тенглар ичра тенг
Мустақил диёрнинг шоиридирман!

Гап савол-жавобга келганда, шоир менга олазарак назар ташлайди. Хижолатга қўйиб, мақтайди. Мақтовига яраша, берилган саволларга ақллироқ жавоб қайтаришга уринаман. Аммо кўп гаплар талабаларга оғирлик қилади. Уларга шоир керак. Одамга алам ҳам қиларкан денг.

Учрашувлар жуда қизғин давом этади, мен ижодига кўпда эътибор қилмаган шоирнинг мухлислари ҳайрон қолдирарли даражада кўплиги завқимни келтиради.

Бу галги сафаримиз ҳам ниҳоятда хайрли кечди. Турли-туман одамлар, бетакрор табиат манзаралари... Энг муҳими, дилкаш, самимий ҳамроҳлар кўнглимни ўстириб юборди.

Қайтишимизда шоирга қараб, унинг бир маҳаллар айтган сўзларини ўзига эслатдим:

— Кенгликларга талпинар кўнгил...

— Тўппа-тўғри. Саёҳатнинг шуниси яхшики, уйга қайтганингда ҳам узоқ-узоқларга тикилганингда, Эйфель минораси, Тожмаҳал қасри ёки Бибихоним мадрасаси кўз олдингга келаверади, — деди шоир.

Хайрлашаётганимизда:

— Яқинда сиз туғилиб-ўсган юрт Ховосда бўлувдим. Поезд йўли ҳам, автомобиль йўли ҳам қадим-қадимдан мана шу ердан тўрт тарафга тарқалар экан-а! — дедим. — Сизнинг саёҳатга ўчлигингиз сабабини энди кашф этдим. Ҳақиқий ховослик экансиз. Дунёда бормаган мамлакатингиз қолмабди-я!

— Шундай бўлсин! Энди сизниям доим шерик қилиб оламан, — деди шоир.

— Ҳаммага китоб тарқатдингиз, бизгаям қолдими? — деб сўрадим.

У шоша-пиша сумкасини ковлаштираркан:

— Битта бор эди-я... — дерди.

Кейин топди, шекилли, хурсанд бўлиб:

— Мана-а! — деди.

Мен китоб муқовасига назар ташладим ва боядан буён сиздан сир сақлаб келаётган шоирнинг ўқловдай-ўқловдай ҳарфлар билан ёзилган исмини ўқидим: **“МУҲАММАД ИСМОИЛ”.**

ҚИЁФА

АЗИЗ ХОТИРАЛАР

Қорлар... кўкда нурлар қуюқлашиб, юзларингни босса бўладиган қиёфага кириб қуйилаётгандек. Қорли кунлар билан боғлиқ яхши хотиралар ҳам биллур япроқлари жимирлаб турган атиргулларга ўхшайди қалбимда.

...1976 йилнинг куз охирлари эди. Марғилондаги ҳовлимиз, шомга яқин почтачи ҳар доимгидек бир даста газета ва журналлар ташлаб кетди. Улар орасидан “Шарқ юлдузи” журналини танлаб, уй остонасигача мундарижани кўриб чиқдим. “Юлдузлар мангу ёнади” деган сарлавҳа қизиқтириб қўйди, қиссани ўқий бошладим. Даҳлизнинг ўртасига хира лампочканинг ёруғи энг кўп тушадиган жойдаги шолчага чўкиб, кейинги саҳифаларга ўтдим. Астойдил ўтириб олдим. Асарнинг тили мен ўша пайтгача эшитмаган, ўқимаган даражада жозиб; воқеалар ўша пайтгача мен идрок этганим еру осмон орасида эмас, қаҳрамоннинг озод қалб дунёси ичра чавандоз бўлиб от чоптирар; овозларни эшитгандек бўлардим, муаллиф билан қўшилиб қисса ҳодисотлари ичра ўзим ҳам бордек эдим... Вақтнинг ўтиб бораётганини куз кечаси бошланиб, совуқ тушаётгани, борлиғим жунжикаётганидан англардим. Лекин нигоҳларим, фикру хаёлим орқали бутун вужудимни ўзига боғлаб олган асардан ярим дақиқагина ажралиб, уйнинг мендан тўрт қадамгина наридаги эшигини ёпиб келишга хоҳишим йўқ эди. Асарни ўқиб тугатиб, бошимни кўтардим. Ичимда... гўёки мана шу бир ярим-икки соат ичида бир учқун чақнаб, чақмоққа айланиб кетгандек эди.

Ёзувчи Тоғай Муродни биринчи марта ғойибдан ана шундай таниганман. Кейин яна янги асарларини кўпчилик қатори ўқидим, яна янги китобларини кутадиган бўлдим.

1977 йил февралидан бошлаб устоз Зулфияхоним таклифи билан Тошкентга келиб, “Саодат” журналида ишлай бошладим.

Орада республика ёш шоирларидан бир нечтасининг (улар орасида мен ҳам бор эдим) шеърлари муҳокама қилинадиган семинар-йиғин бўлди. Машғулотлардан бўш вақтларда ўзаро суҳбатлар, хотиралар сўзлаш, шеърхонлик авж оларди. Ана шундай давраларнинг бирида йигитлар ўзларини, ижод оламидаги тенгқурлари, даврдошларини ҳам ҳазил-мутойиба билан таърифлаб қолдилар. Тоғай Муроднинг-да номи тилга олинди: “терс, феъли жуда қаттиқ, қўрс” — кулиб-кулиб айтилган сифатлардан мана шу маъно чиқарди. Биринчидан, мен Тоғай Муроднинг ўзини кўрмаган-гаплашмаганим, қолаверса, ўша даврада иккитагина қиз бўлганимиз учун, индамай эшитдим-у... дилимга бир савол михдек қоқилиб қолди: “Шундай ажойиб, қалбингни тарбиялаб, инсонлик мақомини улуғлайдиган дилбар асарлар ёзадиган адиб шахси, наҳотки, шундай бўлса?!” Мен учун бу саволга жавоб топиш жуда муҳим эди, аммо қандай қилиб?..

Аллоҳнинг меҳрибонлигини қаранг... Зулфия опа адабиётдаги янги асарларнинг деярли ҳаммаси билан танишиб борар, айниқса, ёш қаламкашларга алоҳида эътиборли эдилар. Бир куни журналнинг янги сони учун режа тузилаётганда, “Тоғай Муродни топинглар, ундан ҳикоями, қиссасидан парчами сўранглар”, деб қолдилар. “Мен, мен шу ишни бажарай”, дедим шошиб, кимдир бу вазифани зиммасига олиб қўйишидан хавотирланиб. Шундай қилиб, ижодкор билан танишишга йўл очилди.

Иш жойига — “Фан ва турмуш” журналига қўнғироқ қилдим. Озми-кўпми шуҳрат қозонган ёш ижодкорларга хос “Майли, ўйлаб кўраман”, “Вақтим жуда кам”, “Мен тайёрлаб қўяман, ўзингиз келиб олиб кетинг” қабилидаги жавоблар бўлишини кутдим. Лекин Тоғай Мурод бизнинг иш соатимиз неччигача эканини сўради ва яқин кунларда келишини айтди. Ваъда берган куни ҳикоя олиб келди. Ҳикояси чиққунча ва ундан кейин ҳам таҳририятимизга бир неча марта келди. У, одатда, иш вақти тугашига яқин, менимча, ўз ишхонасидаги вазифаларини бажариб бўлиб келарди. Кейин соатли бино — “Саодат” журнали жойлашган матбуот уйидан беш юз метрча нарида бўлган “Мустақиллик” метросигача мени кузатиб, ўз йўлига кетарди. Бундай пайтларда менинг дилимда у ҳақда бошқалардан эшитган ва хаёлимни пармалайверадиган “терс, феъли жуда қаттиқ, қўрс” деган гаплар айланаверарди, аммо тасдиғини топмасди. Чунки ёш адибнинг гап-сўзлари, муносабатларида ҳамиша андиша, кўзларида ҳаёга ўралган табассум бўларди. Аслида, табиатан мен ҳам у қадар журъатли эмасдим. Лекин Тоғай Муроднинг ана шу хислатлари ичимдагини ташимга чиқаришга йўл очди, назаримда.

Чиройли қор ёғиб турган кун эди. Метро сари борарканмиз, томдан тараша тушгандек: “Сиз ҳақингизда нимага унақа гаплар юради?..” деб савол бердим ва гапимнинг “...шундай ижодкор ҳақида нохуш фикрлар юришини истамайман” деган қисми томоғимнинг тагида қолди. Саволни беришга бердим-у, энди Тоғай аканинг жаҳли чиқиб кетиши, хафа бўлиб қолишидан хавотирда эдим. Воҳ! Бу ёғи ҳам кутилмаган ва бир умрлик ибратга лойиқ воқеа бўлди: Тоғай Мурод “Қанақа гаплар?” деб сўрамадиям, шунақа маза қилиб кулдики (ўшангача ва ундан кейин ҳам бунақа яйраб кулганини кўрмадим)! “Мен биламан. Ҳатто кимлар шундай дейишиниям биламан! — деди у худди ўзи ҳақида мақтов эшитаётган одамдек яхши кайфиятда. Кейин бир муддат жим борди-ю, эгнидан чангни қоқиб ташлаган каби кулимсираб қаради, гапида давом этди. — Дунё адабиётида, ўз устозларимиз ижодида шундай асарлар борки, мен ҳар доим ўшалар биланман”.

(Худди шундай жўмардликни Зулфияхонимда кўргандим: “Ёшлик” журналида босилиб чиққан бир ҳужжатли қисса қаҳрамони таниқли адиб тилидан айтилган Ҳамид Олимжон ва Зулфия муҳаббатига оид ножўя гапни ўқиб, Зулфия опа: “У улуғ ёзувчи бунақа гапларни айтадиган одам эмасди”, деб мавзуга нуқта қўйгандилар).

Кейин мен бир неча йиллар оила, бола-чақа ташвишига “кўмилдим”, унда-бунда саломлашиб ўтганимизни ҳисобга олмаганда, Тоғай Мурод шахсини, асосан, асарлари орқали чуқурроқ, теранроқ, яқинроқ англаб бордим. Унинг қаҳрамонлари дунёсига кирганим сайин: “Балки, ёзувчи ҳақида ҳазил-мутойиба билан айтилган ўша фикрларда жон бордир. Ахир миллат тарихи, тақдири, ҳаёти билан боғлиқ шунча дард-изтиробларни қалбига юклаб олган инсон кулиб, яйраб, давраларда булбулдай сайраб юриши мумкинми?” деган мулоҳазага бордим.

Шу ўринда яна бир эшитганим ёдимга тушиб кетди: Ғафур Ғулом Зулфияхонимнинг “Ҳижрон сатрлари” туркумидаги шеърларини тинглаб: “Эй жигарим, шеърга шоир қалбидаги ўтнинг ўндан бири ҳам тушмайди. Бу ўт сени куйдириб ташлайди. Ёзма бунақа шеърларни”, деб шартта ўрнидан туриб хонадан чиқиб кетаркан, яна орқасига ўгирилиб: “Яхши ёзибсан”, дея эшикни ёпган экан.

Ҳақиқатан ҳам, асар қаламкаш қалбининг сурати. Яхши китоб ўқувчи қалбини нурга, меҳр-муҳаббатга, умумбашарий фазилатларга йўғиримоқ мақсадида унинг ўй-фикрлари, туйғулари, дунёқараши, хулосаларини қуюндек чирпирак қилиши, гирдобдек домига тортиши, уни ҳаётга янги келган каби ҳайратга солиши, ҳаттоки муҳаббатини нафратга ва нафратини муҳаббатга айлантириши мумкин. Тоғай Мурод барча асарларини ёзганда ана шундай қалб эврилишларини саҳифаларга зарра-заррадаб

сингдирган. Бетакрор асарлар муаллифи экани эътироф этиб бўлинган бу адибни ҳаётлик пайтида кўпчилигимиз, асосан, бизга ёққан китобларнинг муаллифи сифатида танидик, билдик, мулоқотда бўлдик. Энди мени бошқа савол ўйлантиради: “Тоғай Муроднинг атрофида уни англагувчи инсонлар қанча бўлган экан?..”

Сўзлаб беришларича, асарлари адабий жамоатчилик ва халқ орасида машҳур бўлиб кетган Тоғай Муродни бир неча адабиётшунос олимлар билан республика телевидениесига кўрсатув ёзиб олиш учун таклиф қилишибди. Айтилган кунда олимлар телестудияга йиғилишибди, аммо ёзувчининг ўзи келмабди. Кейин бунинг сабабини сўрашганда, “Кўриб турибман, адабиётшунослар менинг асаримни мақтаб гапиришади. Мен “Ҳа, шундай асар ёзиб қўйдим” деган маънода ўша даврада ўтираманми?” деб жавоб берган экан.

Дарвоқе, телевидение билан боғлиқ яна бир ибратли хотирам: бундан ўттиз йиллар муқаддам “O‘zbekiston” телерадиоканалида ишлардим. Кўрсатувлар тайёрлаш учун турли соҳа вакилларидан, яширишнинг ҳожати йўқ, баъзида топшириқлар туфайли ўзим истамаган одамлардан ҳам интервьюлар олардим. Шунақа дастурларимга кўзи тушган, шекилли, қаердадир учрашиб қолганимизда: “Сиз бошқалардан эмас, бошқалар сиздан интервью олиши керак”, деди адиб жиддий. “Нима қипти, мен ҳам бир одамман, бошқалар ҳам”, дедим-қўйдим. Аслида ҳам шундай фикрда эдим. Йиллар... ўн йиллар ўтиб ўша танбеҳнинг моҳиятини кенг маънода ҳаёт англатгандек бўлди: иззат-ҳурматингни тушунадиган, қадрлайдиган инсонлар ва аксинча, иззат-ҳурматингга оёқ артиб ўтадиганлар ҳам бор экан. Якка инсонларнинг шахсий муносабатларидан тортиб ҳаттоки халқлару давлатлар тақдирига дохил масалаларда ҳам шу икки ҳолатни учратганимда, ўша гап ёдимга тушади. Тоғай Мурод ўзбек халқининг — бизнинг қалбимиз, қаддимиз, қадримиз тик бўлишини, меҳнатларимиз роҳатини кўриб, ҳеч кимга бўйин эгмай яшашимизни истаб, шунга муносиб халқ эканимизни англатишдек заҳматли меҳнатга чақмоқдек умрини, билими, иқтидорини тўлиқ бағишлади.

Муҳтарама УЛУҒОВА

УСТОЗЛАР МАКТАБИ

ЗАРИФЛИК

Гапираётганда ва ёзаётганда тилимизга кириб келган кўп-кўп арабча сўзларни ишлатамиз-у, унча-мунчага луғат кўриб, маъноларининг тагига етиб ўтирмаймиз. “Зарофат” ва “зариф” калималарига муносабатимиз ҳам шундай.

“Зарофат” сўзи от ҳисобланади. Луғатларда у “зийраклик”, “фаҳми юқори”, “ҳозиржавоблик” ёки “ҳазилкашлик”, “мутойиба”, “латифа” маъноларини англатиши қайд этилади. Кўплиги “зурафо” бўлади. “Зариф” эса сифат бўлади. У нозиктаъб, тезфаҳм, зийрак, ҳозиржавоб, хушсуҳбат, латифагўй, ҳазилкаш кишига нисбатан ишлатилади. Масалан, “зариф шоир” тарзида. Бу сўзнинг кўплиги “зароиф” бўлади.

Зарифлик — қалам аҳлига хос фазилат. Айниқса, ўзбекларимиз ҳазил-мутойиба, аскияга ўч бўлгани учун аҳли ижод орасида кўп-кўп зариф суҳбатлар бўлиб ўтади. Аммо буларнинг ҳаммасини ҳам ёзиб олмаймиз. Ё эринамиз, ё бунга пастроқ назар билан қараймиз, ё ҳар иккиси ҳам.

Ҳолбуки, буюк Алишер Навоий мансуб даврадаги қанчадан-қанча зарифликлар замондошлари қалами орқали бизгача етиб келган. Улардан айримларини Хондамир, Восифий, ҳатто Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам ёзиб қолдирган. Шундай экан, нега биз ёзмаслигимиз керак?!

...1991 йил Ўзбекистонимизда “Навоий йили” деб эълон қилинди. Радиода ҳар куни саҳар чоғи шоир ғазалларидан намуналар ўқиладиган бўлди. Етти кун етти сухандонга бўлиб берилган. Душанба куни Қодир Махсумов ўқиган ғазаллар берилади. Кейин навбати билан Ёқуб Аҳмедов, Саидкомил Умаров, Фарзиддин Фаёзов, Мирзоҳид Раҳимов, Раҳмат Жумаев, Раҳимбой Жуманиёзовлар ўқишади. Камина бу ғазалларни ёзиб олишда илмий маслаҳатчи бўлганман. Режиссёр Раҳмат Жумаев билан студияда ўтирамиз. Вазн бузилган ерида тугмачани босиб, сухандонни тўхтатамиз. Қандай ўқиш кераклигини айтамиз. Шу тариқа қайта-қайта ёзамиз.

Кейин шу тажрибалар асосида “Ғазал ўқишни биласизми?” сарлавҳаси билан бир мақола ёзиб, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасига бердим. Бир куни ўша вақтлари газетанинг масъул котиби бўлиб ишлаётган, раҳматли Саъдулла Ҳаким акамиз қўнғироқ қилиб қолдилар.

— Эртаги сонда мақолангиз чиқяпти, — дедилар. — Фақат сарлавҳасини ўзгартирдик.

— Қандай сарлавҳа қўйилди? — дедим.

— ***“Ғазалдан бу каби завқ олмаган ким? Ғазалнинг зўрини ёзди Саъдулла Ҳаким”*** деган сарлавҳа қўйдик.

— Маъқул, ака, ҳақ гап, — дедим мен ҳам ҳазилга жавобан бўш келмай. Кулишдик.

Ўрни келгани учун журналистикага оид бир гапни қистириб ўтай. “Евростандарт” гапнинг пўсткалласини шартта-шартта, аниқ-лўнда, нишонга хатосиз тегадиган ўқдай қилиб ёзишни хуш кўради. Сирни ошкор қилсам, камина, гарчи мусулмон Шарқи мумтоз шеърияти тадқиқотчиси бўлса ҳам, ёзганда кўпроқ ана шу “Евростандарт”га мослашишга ҳаракат қилади. “Осиёстандарт” эса баландпарвозроқ, пардозланганроқ, тамсилийроқ, қоғозга ўраб айтилганроқ сўзни хуш кўради. Аслида, шеърий сатрларни сарлавҳага айлантириш — журналистиканинг душмани. Саъдулла Ҳаким ҳам, шоир эмасми эдилар, мақолада Иззат Султон ва Уйғун қаламига мансуб “Алишер Навоий” драмасидан келтирилган Гули Навоийга айтган:

Ғазалдан бу каби завқ олмаган ким? –

деган сатрни сарлавҳага чиқарганлар. Ёқмаса ҳам, кўнасиз-да. Ахир мақола эълон қилиниши керак-ку.

Лекин ҳозир гап бу ҳақда эмас. Ахир шу сарлавҳа танланмаганида, бу зариф ҳазилга имкон қолмас эди-да.

Эртасига мақола босилиб чиқиб, тарқади. У замонларда жума куни пешингача “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”ни ўқимаган қаламкаш ўзини ҳаётдан ортда қолган, баъзан ҳатто хўрланган ҳисоблар эди. Ўқиганлардан бири — филология фанлари номзоди Раҳим Жуманиёзов занг уриб қолди:

— Ака, табрик, мақолангизни ўқидим.

Мен ҳам ўзимни билмасликка солиб:

— Қайси мақоламни? — деб сўрадим.

— ***“Ғазалдан бу каби завқ олмаган ким? Ғазалнинг зўрини ўқиди Жуманиёз Раҳим”*** деган мақолангизни...

Қўлимдаги телефон гўшагини стол устига қўйиб, беихтиёр қарсак чалиб юбордим:

— Ана, таворуд-у, мана, таворуд!

Дарвоқе, “таворуд” нима?

Икки ижодкор бир-биридан мутлақо бехабар ҳолда бир хил мисра, байт битиб қўйса, шуни “таворуд” дейишади.

Бир мақола сарлавҳаси баҳонасида Саъдулла Ҳаким акамиз билан Раҳим Жуманиёз укамизнинг кўнгилларида бир хил зарифлик пайдо бўлгани ҳам таворуднинг ёрқин намунаси эди, албатта.

Демак, эски тилимизда бор-у, биз унутаёзган сўзларни эслатиб туриш ҳам ўзига хос бир савоб. Ахир:

Бир мақола битса фақир-фуқаро,
Зарифлар қилишса шунча зурафо.
Бундай зарофатлар бўлса урафо,
Завқланса, қувнаса, кулса шуаро.

Зерикиб қолмадингизми?

Озгина маърифат бўлсин, дедик-да.

Ҳазрат Алидан мерос қолган мана бу ажойиб ҳикмат ёдга тушди-да:

Тоат кўпидин маърифат ози яхши!

Ҳазрат Навоий буни арабчадан ўзбекчага қотириб таржима қилганлар-да. Тўғрими?

Султонмурод ОЛИМ,
филология фанлари доктори,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

МИЛЛАТ ЎҒЛОНЛАРИ

ҚУРИЛИШДА ИШЛАБ... чемпион бўлган ўзбек

Дзюдо бўйича ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон чемпиони, айни пайтда Россияда аралаш қўл жанги (ММА) бўйича ўтказиладиган курашларда юртимиз шарафини ҳимоя қилиб келаётган умидли спортчи Муслим АННАҚУЛОВ билан суҳбат

— Ёшлик орзу-ҳаваслар фасли. Билишимизча, сиз дастлаб спортнинг дзюдо тури билан шуғуллангансиз. Айни пайтда ММА йўналишида ҳам анчагина ютуқларга эришдингиз. Айтинг-чи, сиз учун қайси спорт тури муҳимроқ?

— Дзюдо билан шуғулланишимга отам сабабчи бўлган. Ўзлари тўйларда, Наврўз байрами тантаналарида майдонга тушарди. Вақт топиб, акам билан менга кураш сирларини ўргатарди. Шундан бўлса керак, курашга қизиқишим кучайиб борди. Буни сезган отам акам иккимизни Зоир исмли мураббий ҳузурига олиб борди. Бироз кўникма ҳосил қилиб, чинакам спортчига ўхшай бошлаганимиздан кейин назоратни кучайтирдилар. “Бугун залга бордингми? Ким билан кураш тушдинг? Нечтасини йиқитдинг?” деб сўрардилар ҳар куни. Мактабга бориб ўқишимиздан кўра кўпроқ залга бориб кураш тушишимиз отам учун муҳимроқ бўла бошлади. Энди билсам, биринчи устозим отам бўлган экан. Уларнинг маслаҳатлари, йўл-йўриқлари туфайли ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон чемпиони бўлганман. Коллежда ўқиб юрганимда “Баркамол авлод” спорт мусобақаларида ғалаба қозонганман. Ҳозир спортнинг аралаш қўл жанги (ММА) йўналишида фаолият кўрсатаяпман. Айтишади-ку, ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деб. Ҳалиям кураш тушишга иштиёқим баланд. Ҳафтада машғулотларга мунтазам бориб тураман. Спортнинг иккала тури билан ҳам шуғулланаман...

— Кейинги фаолиятингизни Россияда бошлаган экансиз. Бунинг сабаби нимада?

— Тирикчилик туфайли, 2018 йили Россияга ишлаш учун кетишимга тўғри келди. Бўш вақтларим кўп бўларди. Фақат машқ қилардим. “Стрелка” деган беллашувни телефонда кўриб: “Ака, қаранг, бунда ютганга катта пул бераркан. Истаган одамни уриштиришаркан”, дедим. Акам кўнмади: “Сен билмайсан ким билан майдонга тушишингни. Қўй, ука, жуда хавфли ўйин. Ака учун уканинг кимдандир мушт еб, кўзлари кўкариб юрганини кўриш қанчалик оғир эканлигини қаердан ҳам тушунардинг?” деди. Акамнинг хавотири ўринли эди. Аммо истагим устунлик қилди, сўзимда туриб олдим.

Иш жойимизда бошлиғимиз ҳам бундан хабар топгач, орага тушди: “Кўриб турибман, кураш тушгинг келиб юрибди. Аммо билиб ол, агар нимадир бўлиб қолсанг, ҳеч ким ёрдам бермайди. Рефери ҳам, раунд ҳам йўқ. Ўзингга ўзинг жавобгарсан. Ё ютгунча, ё ютқазгунингча жанг қиласан”.

Аҳдим қатъийлигини кўрган акам: “Укажон, мен ҳам сенинг UFC камарини қўлга киритишингни хоҳлайман. Ҳамонки, сен шу йўлни танлаган экансан, битта шартим бор. Орзунгга эришишинг учун кўп меҳнат қилишинг зарур. Муваффақиятинг гарови — ўз устингда ишлаш, тер тўкиш, шунинг учун тинмай меҳнат қилиш керак. Қолаверса, юрт шаъни ўртада. Бу йўлда ҳаракатдан тўхтама. Балки, ҳозир сен учун бу гапларим ғалати туюлар. Аммо шуни ёдингда тут: донишмандларнинг: “Бошингга энг қийин кунлар тушиб, сен бардош бера олмайдиган нуқтага келганингда ҳам, асло сабрингдан воз кечма”, деган маънодаги бир гапи бор. Ана шу — тақдирингни ўзгартирадиган нуқтадир”, деди.

Ўшанда бўлажак мусобақалар пулли эди, билганим шу. Бир куни бошқа шаҳарга дўстларим билан кетаётганимизда, кўчада одамлар йиғилиб турганини кўриб, ёнига бордик. Қарасам, икки киши кураш тушаяпти. Ўйинбошининг ёнига бориб, курашга тушмоқчилигимни айтдим. Бу менинг ички хоҳишим эди. “Бўйинг неччи, вазнинг қанча?” деб сўради у. “Бўйим 175, вазним 70”, дедим. “Сендан 10 кг оғир бола бор. Унинг рақиби жангни бекор қилди, хоҳласанг, шу билан тушиб кўр”, деди. Келишдик. 15 дақиқа чамаси курашдик. Уни ютдим. “Стрелка” директори келиб: “Сен кучли курашчини ютдинг. Истасанг, сен билан контракт тузамиз, кейин жанга келасан”, деб ютуқ пулини берди. Ётоқхонага қайтгач, акамга бўлган воқеани сўзлаб бердим. Акам: “Ундай бўлса, бирор спорт залига бориб, жиддийроқ машқ қилишинг керак бўлади. Бугун омадинг келибди, бошқа пайт кучлироқлари чиқиб қолиши мумкин”, деб йўл кўрсатган бўлди. Бирга зал қидирдик, аммо топа олмадик. Билганимча шуғулланиб юрдим. Кейинги жангим “Москва-сити”да бўлди. Бу гал ҳам рақибимни ютдим. Учинчи жангимдан сўнг мен учун пул тикадиган ҳомий чиқди. Ҳозирги мураббийим Шамил Абдуллаев ёнимга келди. “Муслим, нима иш қиласан?” деди. Қурилишда ишлашимни айтдим. “Кел, менинг спорт залимда шуғуллан, сен учун текин. Агар профессионалга тортмаганингда, сен билан ишим йўқ эди. Кел, залда бемалол машқ қил, ўзимиз ҳамма жангларни сенга олиб бераниз”. Контракт тузилди. “Фақат Россия байроғи остида жангга тушасан, бу талаб”, деди. Мен эса: “Йўқ, мени кўпчилик танийди, билади, Ўзбекистон чемпиони бўлганман. Юртимнинг байроғи остида жангга кираман, бўлмаса, кураш тушмайман”, деб туриб олдим. Улар ноилож рози бўлишди. Машғулотлар бошланди. Биринчи жанг, рақибларимнинг аёвсизлиги — барча-барчаси улар айтгандай бўлди. Устозим ва акамнинг қилган саъй-ҳаракатлари, тўғри йўлни кўрсатишгани туфайли барча жангларимда ғалаба қозониб келяпман. Таъкидлашганидай, ҳамма яхшиликлар сабрдан кейин келар экан.

— Сиз келажагингизни қандай тасаввур қиласиз? Орзу ва мақсадларингиз ҳақида гапириб бермангиз.

— Орзуларсиз юрак занглайди. Энг катта орзуларимдан бири бу — UFC камарини қўлга киритиб, Ўзбекистон номини яна бир бор оламга ёйиш. Ҳамюрт спортчиларимиз ҳам UFCда кураш тушяпти, аммо ўша камарни ҳали ҳеч ким олгани йўқ. Биламан, бунинг учун кўп меҳнат қилишим керак. Ҳаваскорлар жангида тўртта тенгдошим билан курашиб, камарни қўлга киритганман. Колизей спорт клуби доирасида. Ўз рўйхатига чемпионларини қайд этиб боради. Ҳозиргача камар ўзимда турибди. “Ўзбекистон, Муслим Аннақулов” деган ёзуви бор.

— Самимий суҳбатингиз учун ташаккур! Барча орзу-ниятларингизга етишингизга, ҳамиша, “ўзбек курашчиси” деган юксак номга сазовор бўлишингизга тилакдошмиз.

ЎзЖОКУ спорт журналистикаси бўлими 2-курс талабаси Хуршида АБДУСАТТОРОВА суҳбатлашди.

Hurriyat
Mustaqil gazeta

Муассис: Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси

Бош муҳаррир
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
Баҳоси келишилган нархда

Адади: 4 006
Буюртма — Г-344
1 2 3 4 5 6

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

Топширилиш вақти — 21^{00}
Топширилди — 21^{00}

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (71) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70

Манзилимиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Э.Ёдгоров томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-0680

Обуна индекси: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Навбатчи: И.Асилбеков. Мусаҳҳиҳ: З.Ҳасанова.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.